меъда-ичак йўли давомийлигида сўрилиши мумкин. Дори парентерал юборилганда тўғридан-тўғри конга, трансдермал усулда тери орқали, ингаляцияда ўпка орқали, тери ости ёки мушак орасига юборилганда юмшоқ тўқималар орқали организмга тушади (Fernqvist et al., 2002). Айланб юрувчи қоннинг ушбу тўқима ва аъзоларда қайта тақсимланиши дорилар сўрилиши интенсивлигига таъсир этиши мумкин. Масалан, бир изланишда, кислородга бўлган талаб интенсивлигининг ошиши (максимал 70%) меъдадан маҳсулотларни ичкакка ўтиш тезлигини сезиларли пасайтиради ва бу дориларни ингичка ичкакдан сўрилишини кечиктиради (Brouns et al., 1987). Бошқа бир изланишда 6 ҳафталик жисмоний тайёргарлик натижасида ичкак маҳсулотларини ҳаракати тезлашиб, уларни ўтиш вақти қисқариши кузатилди, бу эса дориларни ичкаклардан сўрилишини камайтириши мумкин (Cordain et al., 1986). Аммо, ичкакдаги маҳсулотлар ҳаракатининг вақти дорилар сўрилишига таъсири тўғрисидаги изланишлар ўтказилмаганлиги сабаб, бу фақат тахминлар бўлиши мумкин (Lenz et al., 2004; Lenz TL, 2010). Кардиопротектор сифатида ишлатиладиган дори воситалари орасидан триметазидин, мексидол, инозин, витамин Е, ниацин, аскорбин кислота ва рибофлавинлардан энг кўп фойдаланилади (Горчакова и др., 2010; Макарова Г.А., 2013; Каркищенко Н.Н. и Уйба В.В., 2013; Усачева Е.В., 2016). Санаб ўтилган дорилардан фақат мексидол ва инозиннинг парентерал шакллари мавжуд (Горчакова и др., 2010; Макарова Г.А., 2013). Жисмоний юкламалар вақтида энтерал қўлланилганда ушбу дориларни меъда-ичак йўлидан сўрилишининг пасайиш эҳтимоллиги юқори бўлиб, натижада қондаги миқдори камаяди. Кенг қўлланиладиган нейропротекторлар орасидан пирацетам, пикамилон, мексидол, циннаризин, нимодипин, винпоцетин сингари дориларни сўрилиш даражаси пасайиши аниқланган (Горчакова и др., 2010; Макарова Г.А., 2013). Нейропротекторлар қаторидан «Семак» дори воситаси интраназал қўлланилиши билан фарқ қилади. Жисмоний юклама вақтида нафас аъзолари шиллиқ қаватлари юзасига тушадиган дори воситалар сўрилиши ортиши мумкин. Жисмоний юклама вақтида қон айланишининг қайта тақсимланиши натижасида тери остига ёки трансдермал юбориладиган дори воситалари сўрилишининг сезиларли даражада ортиши кузатилади. Масалан, тери остига инсулин (терапевтик кўрсатмага мувофик) юборилган соҳадаги мушакларни фаол қисқариши оқибатида уни сўрилиши ортади (Fernqvist et al., 1986; Koivisto et al., 1987). Ушбу изланишда, тинч турган мушакка нисбатан мушак фаол қисқараётган соҳага инсулин юборилганда қондаги глюкоза миқдори кескин камайиши исботланган (Fernqvist et al., 1986; Koivisto et al., 1987; Shahar & Hamdy, 2015).

Жисмоний юкламалар вақтида, нитроглицерин ёки никотиннинг трансдермал шакллари билан фойдаланилганда, уларнинг қондаги концентрацияси ошганлиги аниқланган (Klemsdal et al., 1992). Эҳтимол бу терининг қон билан таъминланиши ошганлиги, тери ҳароратининг кўтарилиши ва тер ажралишининг кучайиши билан боғлиқдир (Klingman AM, 1983; Klemsdal et al., 1992).

Жисмоний фаолликни дори воситалари тақсимланишига таъсири. Дори воситаларини

организм тўқималарига тарқалиши уларнинг оксиллар билан боғланиш даражасига таъсир этиши мумкин (DiPiro et al., 2002). Жисмоний тайёргарлик вақтида дори воситаларини қон оксиллари билан боғланиш даражаси ўзгариши исботланган, шунинг учун уларнинг тарқалиши ҳам ўзгарган. Жисмоний юклама вақтида қондаги оксиллар миқдори ошади бунга сабаб томир ичидан қон суяк қисмининг тўқимага ўтиши билан боғлиқ гемоконцентрация юзага келиши бўлиб ҳисобланади (Costill DL, 1977; van Baak MA, 1990). Бунинг оқибатида дори воситаларининг қон оксиллари ва тўқималари билан боғланиш даражаси ўзгаради (van Baak MA, 1990). Циннаризин, нимодипин ва винпоцетин сингари нейропротекторларнинг қон оксиллари билан юқори бириктири аниқланган бўлиб, жисмоний юклама вақтида ушбу дориларнинг қондаги концентрацияси ошиши ва метаболизми, ҳамда организмдан чиқарилишини чеклаши мумкин. Бундан ташқари, қон айланишининг қайта тақсимланиши оқибатида дориларнинг тарқалиши ўзгариб фаол қисқараётган мушаклар бу ўринда маълум устунликка эришади, натижада дориларни нишон тўқималарга етиб бориши камаяди (van Baak MA, 1990). Бир қатор изланишларда жисмоний юклама вақтида теофиллин, пропраналол, ацебуталол, окспреналол ва верапамил сингари дориларнинг тарқалиши ўзгариши исботланган (Swartz & Sidell, 1973; Theilade et al., 1979; Schlaeffler et al., 1984; van Baak MA, 1990). Шунингдек, жисмоний юкламалар вақтида дигоксинни қон оксиллари билан боғланиш даражасининг ўзгариши аниқланган (Pederson et al., 1983; Joreteg & Jorestrand, 1984; Laursen et al., 1987; Jessup et al., 2002; Jogestrand & Anderson, 1989; Grille et al., 2012). Дигоксинни 2 ҳафтадан кўпроқ қабул қилаётган инсонларни, юқори мушаклар фаоллик вақтидаги, қон зардобидидаги дигоксиннинг концентрацияси тинч ҳолатдагига қараганда сезиларли камаяди, мушакларда эса кўтарилиши аниқланган (Pederson et al., 1983; Joreteg & Jorestrand, 1984; Laursen et al., 1987; Jessup et al., 2002; Jogestrand & Anderson, 1989; Grille et al., 2012). Аммо бундай ўзгаришларни клиник аҳамияти ўрганилмаган. Юқори фаолликка эга мушакларда қон қайта тақсимланишининг оқибатида қон келишининг кўпайиши ва тўпланиши керак бўлган аъзоларда дорилар миқдорининг сезиларли камайиши кузатилади. Масалан, пирацетамнинг бош мия пўстлоғида, пикамилонни организмнинг кўпгина тўқималарида тўпланишини пасайиши кузатилиши мумкин (Горчакова ва бошқа., 2010; Макарова Г.А., 2013).

Жисмоний фаолликни дорилар метаболизмига таъсири. Организмда дори воситаларининг кимёвий ўзгариши дориларнинг метаболизмини таъминлайди. Дорилар метаболизмига қон айланиш даражаси ва ушбу жараёнда иштирок этувчи ферментлар комплекси таъсир кўрсатади. Дори воситалари кўпгина тўқималарда метаболизмга учрашига қарамасдан, жигар дорилар метаболизмига асосий жавобгар аъзо ҳисобланади (DiPiro et al., 2002). Баъзи дори воситаларининг метаболизми жигардаги қон айланиш тезлигига боғлиқ бўлади. Масалан, жигарда қон айланиши тезлигини пасайиши верапамил ва пропраналолнинг метаболизм тезлиги сусайтиради (DiPiro et al., 2002). Аммо, жигардаги қон айланиш даражаси ҳамма вақт ҳам метаболизм тезлигига таъсир кўрсатмайди (Panton et al., 1995). Кўпгина дори

воситалари метаболизми асосан жигардаги ферментлар, яъни монооксигеназ тизими фаоллигига боғлиқ бўлади. Доимий жисмоний юкламалар метаболизм тезлигини оширади ва ушбу ҳолат, табиий, дорилар метаболизмига таъсир этади. Карведилол, инсулин, теофиллин, варфарин сингари дори воситалари метаболизми жигар монооксигеназ ферментлари фаоллигига узвий боғлиқдир. Шундай қилиб, аксарият дори воситалари метаболизм тезлиги жисмоний иш фаолияти ва унинг интенсивлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Аммо, ушбу мулоҳазани маъқуллайдиган ёки инкор этадиган клиник изланишлар деярли ўтказилмаган (Lenz et al., 2004; Lenz TL, 2010). Жисмоний юклама вақтида жигарда қон айланишининг бевосита пасайиши, қонда инозин, ниацин аскорбин кислота, циннаризин ва нимотоп сингари дорилар концентрациясини ортишига, ҳамда винпоцетин ва мексидол самарасини пасайишига олиб келади. Ушбу далил, винпоцетин ва мексидолларнинг клиник самара кўрсатиши учун жигарда қайта ўзгариши оқибатида фаол метаболитлар ҳосил бўлиши лозимлигини тасдиқлайди. Жисмоний тайёргарлик даражаси ортиши ва метаболизм тезлашиши оқибатида мексидол, инозин, ниацин, аскорбин кислота циннаризин, нимодипин ва винпоцетинларининг қондаги терапевтик концентрацияси пасайиши мумкин, шу сабабли ушбу дорилар буюрилганда улар миқдорини индивидуаллаштиришда ушбу ҳолатни инобатга олиш лозим бўлади.

Жисмоний юкламаларни дориларни организмдан чиқарилишига таъсири. Чиқарилиш (эксреция) – дори воситасини организмни тарқатиши жараёнидир. Дори воситалари сийдик, ўт –сафро ва тер орқали, нафас чиқарилиши, кўкрак сути ва уруғ суюқлиги орқали чиқарилиши мумкин.

Одатда дори воситалари асосан сийдик ва ўт-сафро орқали чиқарилади (DiPigo et al., 2002). Олинган маълумотлар жисмоний юклама буйракнинг қон билан таъминланишини сусайтиришини кўрсатган. Бунда буйрак коптокчалари фильтрацияси даражаси учдан бир қисмга камайади (van Baak MA, 1990). Буйракнинг қон билан таъминланиши ва коптокчалар фильтрацияси даражаси жисмоний юклама интенсивлигига тўғри пропорционал равишда пасаяди. Олиб борилган изланиш вақтида текширилган кишилар интенсив жисмоний юкламалар бажарганида буйракнинг қон билан таъминланиши 53% га пасайганлиги, ҳамда юкламадан бир соат ўтиб бошланғич натижанинг фақат 80% тикланиши кузатилган (Suzuki et al., 1996).

Организмдан ўзгармаган ҳолда сийдик орқали чиқиб кетадиган ёки чиқарилиш тезлиги буйрак функциясига боғлиқ бўлган дори воситалари чиқарилишига жисмоний юклама катта таъсир кўрсатади (Khzaeina & Ramsey, 2000). Жисмоний юклама вақтида атеналол, прокаинамид ва сульфадимидинларнинг чиқарилиш тезлиги ўрганилган (Ylitalo & Hinkka, 1985; Stoschitzky et al., 1992). Фармакокинетика кўрсаткичларнинг ўзгаришларга учраши исботланган бўлсада, уларни клиник аҳамияти етарлича ўрганилмаган. Маълумки, кардиопротекторлар ва нейропротекторлар қаторидаги триметазидин, мексидол, рибофлавин, пирацетам, семакс, пикамилон ва винпоцетин сингари дорилар воситалари организмни буйрак орқали тарқатадилар.

Жисмоний юклама вақтида, буйракнинг қон билан таъминланиши ва коптокчалар фильтрациясининг пасайиши, ушбу дорилар чиқарилишининг секинлашувига ва уларнинг қонда тўпланиб қолиб, концентрациясининг ортишига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, жисмоний юкламанинг дорилар самарадорлигига таъсири тўғрисида ҳалигача етарли маълумотлар мавжуд эмас. Олиб борилган тадқиқотлар етарли эмас. Шунингдек, улар ёш, соғлом кишиларда бир марталик жисмоний юкламалар вақтида олинган хулосаларга асосланган. Ўрганилган дори воситалари кундалик клиник амалиётда кенг қўлланиладиган дори препаратларидир. Турли ёшдаги инсонлардан иборат, узлуксиз спорт билан шуғулланувчилар гуруҳида кўшимча изланишлар олиб бориш, ҳамда жисмоний юкламаларнинг спорт тиббиётида қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигига таъсири чуқур таҳлил қилишни тақазо этади.

Олиб борилган илмий изланишлар натижаларига мос равишда, ўтказилаётган давони салбий таъсирини олдини олиш мақсадида, жисмоний юкламалар тартибини эътиборга олган ҳолда, айниқса, тор диапазонда таъсир этувчи воситалар бўлганда ёки жисмоний юкламаларни режалаштирганда дори воситалари миқдорини индивидуал танлаш лозим бўлади.

Организмни дори воситаларига индивидуал реакциясини баҳолаш технологиясини асослаш. Замонавий спорт тиббиётида спортчилар функционал ҳолатини баҳолашнинг кўпгина услублар ва тестлардан фойдаланиб, юрак-қон томир, нафас аъзолари тизими ва бошқа тизимлар фаолияти баҳоланади. Бундай тестлар амбулатор шароитида, чуқурлаштирилган тиббий текшириш ўтказиш вақтида ҳам, ҳамда ихтисослаштирилган текширувлар, жумладан стационар шароитдаги текширувлар ўтказилганда ҳам олиб борилади (Морман Д., 2000; Горст Н.А., 2008; Мавлиев Ф.А. ва бошқа. 2013). Айтиб ўтилган тестлар кўп вақт ва мутахассислар фаолиятини талаб этиб, олинган натижаларни баҳолаш ва индивидуал таҳлил қилиш сезиларли қийинчиликларни туғдиради. Шу сабабли жаҳон илми спортчилар организмдаги ўзгаришларни тўлиқ ўрганишга қаратилган ноинвазив диагностик усулларни излашда давом этмоқда. Бу усуллар қисқа фурсатларда алоҳида аъзо ва тизимлар функционал ҳолати, ҳамда бутун организмнинг фаолияти тўғрисида ҳам объектив маълумотлар олиш имконини беради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қўлланилаётган технология ва ёндашувлардан қабул қилинаётган дори воситалари самарадорлигини мониторинг қилиш учун етарлича фойдаланилмапти.

Хулоса. Организмнинг дори воситалари таъсиротига индивидуал жавоб қайтариш хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилишга йўналтирилган изланишлар, спортчиларда дори воситалари самарадорлигига жисмоний юкламаларни таъсири деярли ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Изланишлар, асосан, ёш соғлом, бир марталик жисмоний юкламаларни вақтида ўрганишга қаратилган. Спорт тиббиётида кенг ишлатиладиган дори воситаларининг таъсирига бағишланган илмий ишлар деярли учрамайди. Жисмоний юкламалар фониди, бир қатор дори воситаларининг (масалан, инсулин,

теофиллин, дигоксин ва бошқалар) фармакокинетик кўрсаткичлари ўзгариши исбот қилинганлигига қарамадан, олинган маълумотларни спорт тиббиёти амалиётида аҳамияти етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли, турли жисмоний юкларни, спорт тиббиётида ишлатиладиган дори воситаларининг самарадорлигига таъсир этишини ўрганишга қаратилган мақсадли илмий изланишларни ўтказиш лозим. Организмни доривор агентлар таъсирига жавоб реакцияси белгилувчи асосий шарт генетик омиллар бўлиб, ундан ташқари эпигенетик шартлар ва турли-туман физиологик, патологик, фармакологик омиллар ҳам организмни жавоб реакцияси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Олинган натижалар жисмоний тайёргарлик ва мусобақа даврларида асаб тизимининг бошқарув туридан келиб чиқиб, организмнинг дори воситаларига жавоб реакцияси сезиларли фарқ қилишини кўрсатади.

Оптимал, индивидуал фармакологик коррекция ўтказиш дастурини танлашда қуйидагиларни инобатга олиш муҳим:

- спорт тури;
- жисмоний юкларнинг ҳажми ва интенсивлиги;
- дори воситаларининг ўзаро таъсири;
- организмнинг метаболизм хусусиятлари (тезкор ва секин метаболизаторлар);
- тана тузилишининг конституционал хусусиятлари (тана вазни, сув миқдори, ёғ массаси ҳажми);
- меъда-ичак тизими ҳолати.

Олиб борилган изланишлар натижалари индивидуал фармакологик коррекцияни танлашда нафақат спорт тури, жисмоний юкларнинг ҳажми, дори воситаларининг ўзаро таъсири, балки организмнинг дори воситаларини метаболизм тезлиги хусусиятлари, дори воситаларини орган ва тўқималарда тақсимланишига таъсир этувчи тана тузилишининг конституционал хусусиятлари (тана вазни, сув миқдори, ёғ массаси ҳажми), ички аъзолар функционал ҳолати (масалан меъда-ичак йўли ва бошқа.) муҳим аҳамият касб этади.

Дори воситаларига индивидуал жавоб реакция шаклланишида вегетатив асаб тизими ҳолати ҳам принципал аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, спортчи организмнинг дори таъсиротиغا жавоб реакцияси авваламбор, тайёргарлик ва мусобақа даврларида вегетатив асаб тизими бошқариш турининг устунлигига боғлиқ бўлади. Вегетатив асаб тизими бошқариш турининг таснифига ўхшаш ҳолда организмнинг метаболит коррекцияга жавоб реакцияси келиб чиқиб (Н.И. Шлык, 20003), барча спортчиларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- метаболит коррекцияга ўртача сезувчан (спортчиларнинг вегетатив бошқариш тури таснифига кўра I гуруҳга мос келади);
- юқори сезувчанлик (II гуруҳга мос келади);
- паст сезувчанлик (III гуруҳга мос келади).

Натижаларнинг атрофлича ва чуқур таҳлили бошқарув тизими функционал ҳолати пасайган спортчиларда дорилар таъсиротиغا индивидуал жавоб реакцияси сезиларли даражада юқори бўлишини аниқлаш имконини берди. Ушбу гуруҳдаги спортчилар функционал ҳолатини тиклаш учун уларда метаболит коррекцияни ўтказиш ижобий аҳамият касб этади.

Юқори малакали спортчиларда фармакологик

коррекцияни амалга ошириш ва индивидуал ёндашувларни шакллантиришда энерготроп воситалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу воситаларни қўллаш орқали спортчи организмда энергетик жараёнларни кучайтириш ва организм функционал ҳолатини меъёрлаштириш каби ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ачкасов Е.Е., Руненко С.Д., Таламбум Е.А., Машковский Е.В., Сиденков А.Ю. Сравнительный анализ современных аппаратно-программных комплексов для исследования и оценки функционального состояния спортсмен. // Спортивная медицина: наука и практика, 2011, № 3, стр. 7-14.
2. Горст Н.А. Соматотип и функциональные показатели адаптации сердечно – сосудистой системы в юношеском возрасте / Н.А. Горст, С.Н. Лычагина // Естественные науки. – 2008. – №. 3. – С. 59-62.
3. Ключников С.О., Самойлов А.С., Медведев С.В., Вычик А.А., Ключников М.С. Опыт использования медицинского программно – аппаратного комплекса «Esteck system complex» в спортивной медицине // Спортивная медицина: наука и практика, 2015, № 3, стр. 81-96.
4. Мавлиев Ф.А., Зотова Ф.Р., Назаренко А.С. Корреляционные связи кардиогемодинамических и морфологических показателей юных хоккеистов // Научно-теоретический журнал «Ученые записки университета имени П.Ф. Лесгафта». 2013. – № 8 (102). – С. 105-109.
5. Морман Д. Физиология сердечно-сосудистой системы / Д. Морман, Л. Хеллер // СПб.: Питер. – 2000. – 256 с.
6. Николаев Д.В. Состав тела и биоимпедансный анализ в спорте / Д.В. Николаев, С.Г. Руднев // Спортивная медицина: наука и практика. – 2012. – №3. – С. 34-41.
7. Радыш И.В. Динамика показателей кардиореспираторной системы у женщин различных соматотипов под воздействием физической нагрузки / И.В. Радыш // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. – 2007. – № 6. – С. 240-243.
8. Руднев С.Г. Биоимпедансное исследование состава тела населения России // М.: РИО ЦНИИОИЗ. – 2014. – 493 с.
9. Старшов А.М. Реография для профессионалов / А.М. Старшов, И.В. Смирнов // Методы исследования сосудистой системы. - М.: Познавательная книга Пресс. – 2003. – 80 с.
10. Bosity-Westphal A. Phase angle from bioelectrical impedance analysis: population reference values by age, sex, and body mass index / A. Bosity-Westphal, S. Danielzik, R.P. Dörhöfer, W. Later, S. Wiese, M.J. Müller // J. Parenter Enteral Nutr. – 2006. Vol. 30 (4). – P. 309-316.
11. Fernqvist E, Linde B, Ostman J, Gunnarsson R. Effect of physical exercise on insulin absorption in insulin-dependent diabetics comparison between human and porcine insulin. Clin Physiol. 1986;6:489-498.
12. Franconi F, Campesi I. Pharmacogenomics, pharmacokinetics and pharmacodynamics: interaction with biological differences between men and women. Br J Pharmacol. 2014 Feb;171(3):580-94.

13. Lenz TL. Pharmacokinetic drug interactions with physical activity. *Am J Lifestyle Med.* 2010;3(3):292-302
14. Martinez MN, Amidon GL. A mechanistic approach to understanding the factors affecting drug absorption: a review of fundamentals. *J Clin Pharmacol.* 2002 Jun;42(6):620-43.
15. Martinsen O.G. Bioimpedance and bioelectricity basics / O.G. Martinsen, S. Grimnes. – Academic press. – 2011. – 484 p.
16. Panton LB, Guillen GJ, Williams L, et al. Aerobic exercise training on propranolol pharmacokinetics in young and elderly adults. *J Clin Pharmacol* 1995; 35: 885–94.35
17. Pederson KE, Madsen J, Kjaer K, et al. Effects of physical activity and immobilization on plasma digoxin concentration and renal digoxin clearance. *Clin Pharmacol Ther.* 1983;34:303-308.
18. Rigby JW, Scott AK, Hawksworth GM, Petrie JC. A comparison of the pharmacokinetics of atenolol, metoprolol, oxprenolol and propranolol in elderly hypertensive and young healthy subjects. *Br J Clin Pharmacol* 1985; 20: 327–31.
19. Stephenson T. How children's responses to drugs differ from adults. *British Journal of Clinical Pharmacology.* 2005;59(6):670–673.
20. Strolin Benedetti M., Baltes E.L. Drug metabolism and disposition in children. // *Fundam. Clin. Pharmacol.* 2003. T. 17. № 3. C. 281–99.
21. Sztajzel J. Heart rate variability: a noninvasive electrocardiographic method to measure the autonomic nervous system // *Swiss Med Wkly.* 2004. Vol.134. P. 514-522.
22. Triggs EJ, Johnson JM, Learoyd B. Absorption and disposition of ampicillin in the elderly. *Eur J Clin Pharmacol* 1980; 18: 195–8.
23. Van Baak MA. Influence of exercise on the pharmacokinetics of drugs. *Clin Pharmacokinet.* 1990;19(1):32-43.

ОСОБЕННОСТИ ИССЛЕДОВАНИЙ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНОВ В СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЕ

Мавлянов З.И.¹, Жалалова В.З.²

¹Наманганский филиал Центра развития профессиональных квалификаций медицинских работников.

²Бухарский государственный медицинский институт.

СПОРТ ТИББИЁТИДА ГЕНЛАР ПОЛИМОРФИЗМИНИ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мавлянов З.И.¹, Жалалова В.З.²

¹Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириши маркази Наманган филиали.

²Бухоро давлат тиббиёт институти.

FEATURES OF STUDIES OF GENE POLYMORPHISM IN SPORTS MEDICINE

Mavlyanov Z.I.¹, Jalalova V.Z.²

¹Namangan Branch of the Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers.

²Bukhara State Medical Institute.

Резюме. Спортивная генетика – это актуальное направление, позволяющая спортсменам достигать высоких результатов на основании разработанных в ходе научных исследований различных методик. Полиморфизм генов влияет на физическую активность, работоспособность, физическое развитие спортсмена и многое другое. Данная обзорная статья посвящена к изучению данных обстоятельств взаимосвязи.

Ключевые слова: выбор вида спорта, предрасположенность, генетический полиморфизмы, плавание, спортсмены.

Abstract. Sports genetics is a topical area that allows athletes to achieve high results based on various methods developed in the course of scientific research. Gene polymorphism affects physical activity, performance, physical development of an athlete, and much more. This review article is devoted to the study of these circumstances of the relationship.

Key words: choice of sport, predisposition, genetic polymorphisms, swimming, athletes.

Резюме. Спорт генетикаси – илмий тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган турли усуллар асосида спортчиларга юқори натижаларга эришиши имконини берувчи долзарб соҳадир. Ген полиморфизмининг жисмоний фаолиятга, чидамлилиги хусусиятига, спортчининг жисмоний ривожланишига ва бошқаларга таъсир этади. Ушбу шарҳ мақола ушбу полиморфизмларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга бағишланган.

Калим сўзлар: спорт турини танлаш, мойиллик, генетик полиморфизмлар, сузиш, спортчилар.

Совокупность всех наследственных задатков (генотипов) и совокупность всех признаков организма (фенотипов) определяются как унаследованными свойствами, так и влияниями физических нагрузок, что позволяет избежать многих ошибок в плане отбора в спортивные секции и выбора адекватных методов в процессе тренировочных занятий. В настоящее время достигнуты определенные успехи в поиске генов переключающих жировой обмен с образования белого жира, откладывающегося про запас, но выделение отдельных генов или их комплексов весьма трудоемкий и мало разработанный процесс. В спортивной практике спорта важную роль в селекции одаренной молодежи отдают использованию так называемых маркеров, отражающих наследственные задатки отдельных индивидуумов, при помощи которых возможно выявление генетических задатков на ранних этапах развития ребенка. Для спортивной ориентации и отбора генетические маркеры можно в поиске спортсменов с адекватными для данного вида спорта признаками организма.

С целью подготовки спортсмена высокого класса, без вреда для его здоровья в настоящее время возможно применяя наиболее информативные генетические маркеры, которые позволяют дифференцировать спортсменов в каждом отдельном виде спорта.

Выявление вышеописанных подобных информативных комплексов генетических маркеров для отдельных видов спорта позволит разработать более

эффективные технологии спортивного отбора высоко и быстро тренируемых спортсменов.

Чем выше степень и влияние наследуемости на физические качества спортсмена, тем выше качество тренируемой спортсмена [4;8]. Физические качества спортсмена как сила, выносливость, быстрота, скорость и т.д., носят генотипический характер.

Спортивная генетика-это платформа для принятия новых решений для создания персонализированных тренировочных программ, с целью достижения высокой результативности спортсмена, а также адекватного отбора в спортивную квалификацию с минимальным риском для здоровья [5; 6; 7].

Как известно, спортивная генетика как наука сравнительно молодая, около сорока лет назад на олимпийском научном конгрессе в городе Тбилиси было создано международное научное общество занимающиеся вопросами спортивной генетики и спортивной соматологии. Затем, в 1983 году, профессор и заведующий кафедрой генетики и питания им. Джона Бартона-старшего Университета штата Луизиана, США Клод Бушар ввел термин «генетика двигательной активности», где в двух обзорах, опубликованных в научном журнале «Exercise and Sport Science reviews» привел доказательные факты об индивидуальных различиях спортсменов в ответ на физические нагрузки и роли наследуемых физических качеств, участвующих в процессе физической деятельности [9; 10; 13].

Позднее, в конце 90-х годов XX столетия в журнале

«Human gene for physical performance» британским ученым Хью Монтгомери была опубликована статья о роли ACE гена в спортивной практике, где полиморфизм аллелей этого гена, а именно аллель I отвечает за выносливость, аллель D за скоростные и силовые качества спортсмена.

Спортивная генетика как наука развивается стремительно быстро, число новых изученных генов растет и в настоящее время изучено более 200 генетических маркеров ответственных за развитие и проявление физических качеств [2; 12].

Человек по своему строению обладает уникальной генетической заложенной информацией, которую сегодня стало возможно изучить методом ДНК диагностики. Для детального исследования генетического материала спортсмена в спортивной генетике широко используют доступный метод полимеразной цепной реакции и др., а также биохимические и гениологические методы [11; 18].

Анализ генов ADRB2 и ADRB3 даст понимание как будет происходить процесс расщепления жира и насколько эффективным будет снижение веса в зависимости от интенсивности физической нагрузки. Ген ADRB2 кодирует бета-2-адренергический рецептор –ионный белковый канал цитоплазматической мембраны клетки, имеющий высокую степень родства кадреналину и обеспечивающий повышение или снижение метаболической активности иннервируемой ткани или органа и его активация увеличивает интенсивность гликогенолиза, изучены два полиморфизма - Gly16Arg (связан с сердечным выбросом в покое, повышенной бронходилатацией и выносливостью) и Gln27Glu (связан с ожирением и гликогенолизом, распадом гликогена при физической активности), аллель 27Glu (G) связана с изменением рецептора замедленным распадом гликогена [13; 14].

В свою очередь ген ADRB3 кодирует бета-3-адренергический рецептор, действующий в адипоцитах через который под воздействием катехоламинов происходит липолиз и терморегуляция, при этом максимальная экспрессия гена отмечается в яичниках, плаценте, желчном и мочевом пузырях. Полиморфизм в гене замедляет процесс сжигания жира, и ассоциирован с развитием таких заболеваний, как гипертоническая болезнь, сахарный диабет, ожирение [15; 17].

Значение проблемы достижения высоких результатов на соревнованиях определяется прежде всего врожденными особенностями организма. Именно обладание генетически запрограммированными данными, таких как тип темперамента, генов ADRB2, ADRB3 и его генотипных аллельных вариантов [1; 3], которые являются важными компонентами симпатической нервной системы во многом определяют физическое состояние и тренированность спортсмена. В этой связи значительный научный интерес для практики отбора в спортивные секции представляет разработка дополнительных клинико-инструментальных исследований, не входящих в стандартное углубленное медицинское обследование.

Согласно многочисленным проведенным исследованиям для спортивной ориентации необходимо изучать врожденные особенности спортсмена и

подбирать адекватный для него вид спорта. Наряду с врачом-педагогическими, социологическими методами изучения индивидуальных особенностей спортсмена несомненно необходимо использовать генетические и морфофункциональные методы [17; 18].

Как показывают современные исследования не правильный выбор спортивной специализации способствует медленному росту спортивного мастерства и может стать причиной ухудшения состояния здоровья спортсмена [20; 22]. Совокупность всех наследственных задатков (генотипов) и совокупность всех признаков организма (фенотипов) определяются как унаследованными свойствами, так и влияниями физических нагрузок, что позволяет избежать многих ошибок в плане отбора в спортивные секции и выбора адекватных методов в процессе тренировочных занятий. В настоящее время достигнуты определенные успехи в поиске генов переключающих жировой обмен с образования белого жира, откладывающегося про запас, но выделение отдельных генов или их комплексов весьма трудоемкий и мало разработанный процесс [9; 18]. В спортивной практике спорта важную роль в селекции одаренной молодежи отдают использованию так называемых маркеров, отражающих наследственные задатки отдельных индивидуумов, при помощи которых возможно выявление генетических задатков на ранних этапах развития ребенка. Для спортивной ориентации и отбора генетические маркеры можно в поиске спортсменов с адекватными для данного вида спорта признаками организма [8; 11].

С целью подготовки спортсмена высокого класса, без вреда для его здоровья в настоящее время возможно, применяя наиболее информативные генетические маркеры, которые позволяют дифференцировать спортсменов в каждом отдельном виде спорта [12; 13].

Как известно, регуляция симпатической активности нервной системы происходит под влиянием адренергического рецептора β -2A типа и участвует в адаптации CCC спорта, изменяя показатели артериального давления и пульса под действием физических нагрузок спорта [11; 15].

Многочисленные исследования в области генетики определили, что β -2 адренергические рецепторы экспрессируются во многих клетках организма, участвуют в регуляции не только функций сердечной системы, но и легочной, эндокринной и центральной нервной, данный адренергический рецептор спорта, также стимулирует расщепление триглицеридов. Ген ADRB2 имеет функциональный Gly16Arg полиморфизм (G/A), имеющий высокую взаимосвязь с физиологическим и процессами организма спорта, аллель ассоциируется с низкой плотностью рецептора и низкими значениями сердечного выброса в покое, уменьшенной бронходилатацией (Snyder H. et al., 2006), низким уровнем систолического артериального давления (Snieder H. et al., 2002) и низким риском развития ожирения (Masuo K. et al., 2006).

По результатам исследований в рамках проекта «GenathleteStudy» были получены данные о высокой частоте встречаемости 16Arg аллеля у элитных стайеров в сравнительной характеристике с группой контроля (Wolfarth B. et al., 2007).

Ген ADRB3 расположен в основном в адипоцитах, сосудах, гладкой мускулатуре пищеварительного тракта, в предстательной железе, скелетных мышцах, желчном пузыре и кодирует β -3 адренорецепторы [9; 13].

В своих исследованиях Clement et al. Нашли связь полиморфизма Trp64Arg гена ADRB3 в увеличением массы тела человека, было отмечено, что носители мутантного аллеля в группе с ожирением (гетерозиготный генотип) имели склонность к постоянному набору избыточного веса [7;10].

Также группой исследователей Walston et al. Было обнаружено, что у индейцев из племени Пима носители гомозиготного варианта аллеля гена ADRB3 в анамнезе имеют сахарный диабет второго типа и развивается данное заболевание довольно таки в раннем возрасте, скорость метаболизма данных пациентов очень медленная, исследователи выдвинули гипотезу, что мутация может ускорять начало данного заболевания, нарушая баланс энергорасхода в висцеральной жировой ткани [14; 19].

Kim-Motoyama et al. В своих исследований определили связь полиморфизма Trp64Arg с висцеральным ожирением, у индивидов с повышенным индексом массы тела мутация встречалась чаще, а мутантная гомозигота Arg64Arg (CC) в большем числе встречалась в группе с пониженным уровнем сыровоточных триглицеридов, ученые сделали вывод, что мутация приводит к снижению липолиза в висцеральной жировой ткани [5; 8].

Наряду с врачом-педагогическими, социологическими методами изучения индивидуальных особенностей спортсмена несомненно необходимо использовать генетические и морфофункциональные методы.

Как показывают современные исследования не правильный выбор спортивной специализации способствует медленному росту спортивного мастерства и может стать причиной ухудшения состояния здоровья спортсмена.

В таком виде спорта как плавание большое влияние на одаренность и перспективность спортсменов, а также рекордные достижения оказывают морфологические особенности, обуславливая тем самым разную адаптацию к различным условиям деятельности, что в совокупности воздействует на отбор наиболее талантливых спортсменов. Антропометрические данные непосредственно влияют на успешность в соревновательной деятельности, потому как, физические качества прямо пропорциональны физической работоспособности. В связи с этим спортивный отбор перспективных спортсменов это комплекс мероприятий для выявления талантливых спортсменов, с высоким уровнем способностей, которые отвечают требованиям специфики данного вида спорта.

Так же, анализ литературных данных показывает, что в настоящее время исследования посвященные особенностям антропометрического фенотипа, психофизиологической характеристике, анализу полиморфизма портивных генов у лиц, занимающихся физической культурой и спортом являются одним из актуальных направлений в современной спортивной практике. Недооценка, в современной спортивной

теории и практике, значения вклада генетического фактора в успешный рост спортивного мастерства при выборе вида спорта, спортивной специализации и стиля соревновательной деятельности приводит к формированию нерациональной функциональной системы адаптации организма спортсмена, со многими излишними внутрисистемными и межсистемными взаимосвязями, компенсаторными реакциями, с постоянным эмоциональным напряжением, создающими риск здоровья и замедлению или вовсе прекращению росту спортивных результатов.

Список литературы:

1. Жалолова В. З. Сравнительная Характеристика Показателей Психофизиологии Юных Пловцов (Кадетов И Юниоров) //European journal of biomedical and life sciences. – 2022. – №. 2-3. – С. 59-63.
2. Жалолова В. З., Мавлянов З. И. Эффективность программы для определения антропометрических фенотипов и психофизиологической характеристики молодых спортсменов. // VIII международная научно-практическая конференция «безопасный спорт — 2021» Санкт-Петербург, 27–28 мая 2021 года с.-84-89
3. Мавлянов З.И., Жалолова В.З., Рахматова М.Р., Анализ антропометрических показатели физического развития у юниоров и кадетов в спортивной медицине // Тиббиётда янги кун – 2020. - № 2(30/2). – С. 38-42
4. Мавлянов З.И., Жалолова В.З., Рахматова М.Р., Юлдашева Н.М. Характеристика компонентного состава гена FABP2 у юных спортсменов занимающихся различными видами спорта // Тиббиётда янги кун. – 2019. - № 4. – С. 35-42
5. Николаев С. Ю. Оздоровча спрямованість засобів атлетичної гімнастики для юнаків старшого шкільного віку / С. Ю. Николаев // Молодіжний науковий вісник. – 2013. – № 9. – С. 85–88.
6. Образцова Н.Н. Современные проблемы спортивного отбора / Н.Н. Образцова, Н.Н. Щербакова // Развитие одаренности в современной образовательной среде: сб. мат. Всероссийской заочной науч.-практ. конф. с международным участием 2 октября 2012 года. Часть II. – Белгород, 2012. – С. 130-134;
7. Расуловна, Р.М. 2022. Нейрофизиологический Статус Спортсменов Юниоров И Кадетов Занимающихся Легкой Атлетикой И Велоспортом. Miasto Przyszłości. 25, (Jul. 2022), 217–220.
8. Рахматова М.Р., Жалолова В.З. Юниор ва кадет спортсменларда тананинг композицион таркибини ўрганиш.// Тиббиётда янги кун. - № 2 (30/2). - В. 67-70
9. Рахматова Мархабо Расуловна Анализ состава тела спортсменов юниоров и кадетов легкоатлетов и велогонщиков // European journal of biomedical and life sciences. 2022. №2-3.
10. Рахматова Мархабо Расуловна, Жалолова Вазира Замировна Методы Исследования Композиционного Составы Тела У Спортсменов // Биология и интегративная медицина. 2020. №4 (44).
11. Abete, Itziar, et al. "Nutrigenetics and nutrigenomics of caloric restriction." Progress in molecular biology and translational science 108 (2011): 323-346.
12. Mavlyanov Z. I., Jalolova V. Z., Rakhmatova M. R. Research of health conditions and genetic variants of

young athletes involved in mixed sports //Academica: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 2. – С. 796-801.

13. Mavlyanov Z.I, Jalolova V.Z, Rakhmatova M.R. The study of genetics in modern sports medicine is the key to high achievements of young athletes //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com> 10.5958/2249-7137.2021.00417.1

14. Mustafayeva S. A. Characteristics of morphophenotype and physical performance of young football players and their relationship to playing position (literature review) //World Bulletin of Public Health. – 2021. – Т. 4. – С.137-140.

15. Rakhmatova M.R., Jalolova V.Z., Methods of research of body composition in athletes// Электронный научный журнал «Биология и интегративная медицина» №4 – июль-август (44) 2020–С.16-29

16. Zamirovna J. V. Methods for Selecting Junior and Cadets Athletes by Morphofunctional Criteria //Central asian journal of medical and natural sciences. – 2021. – С.87-91.6.

17. Zamirovna J. V., Rasulovna R. M. Features of the anthropometric phenotype and psycho physiological characteristics of junior and cadet athletes // Academica: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 538-544.

18. Zamirovna J. V. Allelic Variants of the Adrb3 Gene and Their Interrelation with Indicators of the Morphenotype of Junior and Cadet Athletes //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 10. – С.21-25.

19. Zamirovna J. V. Influence of FABP2 Gene Polymorphisms in Athletes Involved in Cyclic Sports // INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 13-18.

20. Rasulovna R. M. Method for Assessing Body Composition and Neurophysiological Characteristics of Junior Athletes and Cadets, Taking into Account the Polymorphism of Genes Responsible for Metabolizim // Central asian journal of medical and natural sciences. – 2021. – С.131-136.

21. Rasulovna R. M. Significance of Body Composition Indicators in Junior and Cadet Athletes and Modern Informative Methods for Their Study //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 10. – С.26-31.

22. Rasulovna R. M. Sports Genetics is the Key to High Achievements of Athletes //INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 23-30.

ADRB2, ADRB3 ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ЁШГА БОГЛИҚ МОСЛАШУВЧАНЛИК, ХАРАКАТ УЙҒУНЛИГИ, ТЕЗЛИК-КУЧ СИФАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Мавлянов З.И.¹, Рахматова М.Р.².

¹Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Наманган филиали.

²Бухоро давлат тиббиёт институти.

SIGNIFICANCE OF ADRB2 AND ADRB3 GENE POLYMORPHISM IN THE DEVELOPMENT OF AGE ADAPTABILITY, MOVEMENT COORDINATION, SPEED-STRENGTH QUALITIES

¹Namangan Branch of the Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers.

²Bukhara State Medical Institute.

ЗНАЧЕНИЕ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНОВ ADRB2 И ADRB3 В РАЗВИТИИ ВОЗРАСТНОЙ АДАПТИВНОСТИ, КООРДИНАЦИИ ДВИЖЕНИЙ, СКОРОСТЬ-СИЛОВЫХ КАЧЕСТВ

Мавлянов З.И.¹, Рахматова М.Р.².

¹Наманганский филиал Центра развития профессиональных квалификаций медицинских работников,

²Бухарский государственный медицинский институт.

Резюме. Замонавий спорт тиббиёти назарияси ва амалиётида генетик омиллар аҳамиятини етарли даражада баҳоламастик, спорт турини ва спорт мусобақаларини ўтказиш усулларини танлашга баҳо бера олмаслик ёш спортчи организмдаги тизимлар функционал қобилиятларнинг нормал шаклланишига спортдаги кўрсаткичларнинг ўсишига, спортчининг юқори натижаларга эришишида тўсиқ бўлиши мумкин. Адабиётлар шарҳига бағишланган ушбу мақола юниор ва кадет спортчиларда ADRB2, ADRB3 генлари полиморфизмининг аҳамияти ва ҳозирда уни ўрганишга бағишланган.

Калим сўзлар: генетик омиллар, ADRB2, ADRB3 генлари полиморфизми, юниор ва кадет спортчилар, чидамлилиги ва куч кўрсаткичлари.

Abstract. In the theory and practice of modern sports medicine, an insufficient assessment of the significance of genetic factors, the inability to assess the choice of sports and methods of conducting sports competitions can become an obstacle to the normal formation of the functional capabilities of systems in the body of a young athlete and a decrease in sports results, as well as the achievement of high results by an athlete. This review article is devoted to the significance of ADRB2, ADRB3 gene polymorphism in junior and cadet athletes and its study.

Key words: genetic factors, ADRB2, ADRB3 gene polymorphism, junior and cadet athletes, endurance and strength indices.

Резюме. В теории и практике современной спортивной медицины недостаточная оценка значения генетических факторов, неспособность оценить выбор видов спорта и методов проведения спортивных соревнований могут стать препятствием для нормального формирования функциональных возможностей систем в организме юного спортсмена и снижения спортивных результатов, а также достижений спортсменом высоких результатов. Данная обзорная статья посвящена значению полиморфизма генов ADRB2, ADRB3 у спортсменов-юниоров и кадетов и его изучению.

Ключевые слова: генетические факторы, полиморфизм гена ADRB2, ADRB3, спортсмены-юниоры и кадеты, показатели выносливости и силы.

Замонавий генетиканинг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири бу инсоннинг турли хил фаолият турларига мойиллигини аниқлашга имкон берадиган молекуляр генетик ёндашувларни ишлаб чиқиш бўлиб, у инсоннинг турли хил фаолият турларига мойиллигини даражасини аниқлаш имкон беради [9; 11; 12.]. Турли хилдаги жисмоний фазилатлар бир хил бўлмаган ирсий таъсир остида бўлади. Генетик таъсирларнинг ёшлигида намоён бўлиши яққол кўринади [1; 5; 6]. Ҳар бир инсонда жисмоний машқ таъсирининг ўсиш чегараси генетик жиҳатдан олдиндан белгиланган бўлади. Ҳатто систем интенсив жисмоний машқлар ҳам тананинг функционал имкониятларини генотип томонидан белгиланган чегарадан ташқари ошира олмайди [2; 3].

Генетик таҳлиллар ёрдамида нафақат маълум бир спортга мойиллик даражасини, балки спорт ғалабаларига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин бўлган спортчи саломатлигидаги муаммоларни ҳам аниқлаш мумкин.

Инсон геномини декодлаш бўйича яқинда олинган натижаларга асосланиб, ҳозирги вақтда бутун дунёда молекуляр генетик усуллардан фойдаланган ҳолда инсоннинг морфологик ва функционал хусусиятларининг ирсийлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда [4; 7; 8]. Маълумки, генетик омиллар спортда куч ва чидамлилиги каби кўрсаткичларга ўз таъсирини кўрсатади, лекин шунга қарамай фақатгина бир нечта тадқиқотлардагина ёш спортчиларнинг ирсий омиллари ва спорт кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Ҳар бир спорт турида муваффақиятга эришиш ҳар хил атлетик фазилатларни талаб қилади. Масалан, спринтер-югурувчиларга юқори тезликни белгиловчи сифатлар керак бўлса, узоқ масофага югурувчи марафончиларга чидамлилиги керак ва ҳоказо. Генетик жиҳатдан аниқланган шу сифатларни оптимал уйғунлаштириш ва уларни ҳисобга олган ҳолда машғулот жараёнини яратилган шароитдагина яхши

спорт натижаларига эришиш мумкин бўлади [2; 11].

Спорт генетикаси спортчи учун ҳар қандай турдаги машқларни бажара олиш чегарасини ҳисоблаш имконини бера олади, бу нафақат юклатилган вазифанинг табиатига, балки генетик компонентларга ҳам боғлиқ. Инсон генотиби асосан спортчилар учун куч, чидамлилиқ, мушак тўқимаси таркиби ва массаси, мослашувчанлик, нерв-мушакларни мувофиқлаштириш ва реакция тезлиги каби муҳим хусусиятларни белгилайди. Спортчи ҳолати ва ишлашга боғлиқ фенотипларнинг нисбатан юқори ирсийланишига қарамай, баъзи спорт турларида муваффақиятга эришишга ёрдам берадиган генетик вариантларни топиш кийин. Бугунги кунга келиб, сўнгги 21 йил ичида спортчи даражаси билан боғлиқ бўлган 185 та ДНК полиморфизми аниқланган [10; 13; 14]. Ирсий омиллар ичида спортчининг туғма истеъдоди спортда муваффақиятга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади [15; 16].

Сўнгги йилларда энг яхши спортчиларнинг чидамлилиги ва куч кўрсаткичларида турли генетик вариантларнинг ролини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди [17]. Бир қатор илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, саломатлик кўрсаткичи юқори бўлган спортчилар организмнинг функционал захиралари ва унга таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги динамик мувозанат ҳолатига эга [18; 19]. Бундан ташқари, жисмоний фаолиятнинг спортчилар танасига таъсири уларнинг профессионал ривожланиш босқичларига мутаносиб равишда кучаяди, бу нафақат юқори соғломлик кўрсаткичларини, балки унинг оптимал етарли захирасини ҳам талаб қилади [8; 19]. Бунда иккинчи кўрсаткичнинг қиймати спортчи ютуқларга эриша олишига бўлган ишончнинг асоси бўлиб, у экстремал фаолият шароитида ҳаракатларнинг юқори самарадорлиги ва барқарорлиги билан ажралиб турадиган кўрсаткичдир [1; 9]. Жисмоний фаоллик ва қобилият спортнинг турини танлашга кўпроқ таъсир қилувчи бир қатор антропометрик, композицион кўрсаткичлар, хусусан, тананинг тотал ўлчамлари, самототип, тана пропорциялари спорт фаолиятида юқори даражада ирсий асосга эга. Уларга психологик, физиологик ва биокимёвий омиллар билан бирга истиқболли спортчиларни аниқлаш имкониятини яратади. Сўнгги бир неча ўн йилликларда инсонларда юқорида айтиб ўтилган хусусиятларнинг ривожланиши учун масъул бўлган маълум ирсий омиллар аниқланди. Шу сабаб, спорт генетикаси мусобақаларда чиқишларнинг кўрсаткичларини қандай яхшилаш мумкинлиги, қайси спортчини мусобақаларга танлаш ва улардан қайси бири вазифани удалай олиши ҳақида фойдали маълумот беради. Ёш, ирсий хусусиятлари бўйича истиқболи юқори спортчилар танловини амалга ошириш (шу билан бирга уларнинг соғлиги учун интенсив жисмоний фаолиятнинг минимал хавфини баҳолаб бериш) бу замонавий генетик усуллар билан ҳал қилиниш мумкин бўлган спорт тиббиётиданинг муҳим устивор масалалардан бирдир [3; 5]. Генлар мушак толалари таркиби ёки аэроб ва анаэроб ферментларнинг фаоллиги каби омилларга таъсир қилади. Ўз навбатида, ушбу генетик омиллар спорт кўрсаткичларида асосий рол ўйнаши мумкин, чунки уларнинг самарадорлиги, айниқса, элита секторида ҳал қилувчи рол ўйнаши

мумкин. Бугунги кунгача энг кўп чидамлилиқ билан боғлиқ генетик вариантлар ўрганилган. Чидамлилиқ деганда организмнинг чарчоққа чидамлилиги ва жисмоний юкламалардан сўнг тез тикланиш қобилияти тушунилади [13; 18]. Спорт маҳорати учун масъул бўлган генларни аниқлаш жуда кийин, чунки ҳар бир ген умумий ирсиятга ўзининг кичик ҳиссасини кўшади. Айниқса ёш спортчиларда ушбу генларнинг аниқланиши жуда муҳимдир. Болаларнинг ўз қобилиятига мос келадиган спорт тури билан шуғулланишлари тавсия этилади. Шунинг учун, болаларни ўсмирлик давридан спорт малум турларига йўналтириш лозим. Умуман олганда, генетик полиморфизмлардан фойдаланиш истеъдодларни аниқлаш ва спорт турини танлашда, шунингдек, ёш спортчилар учун самарали жисмоний машқлар дастурларини яратишда кўшимча ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатди [1; 6]. Чидамлилиқ ёки тезлиқка ирсий мойиллик нафақат юрак-қон томир тизими фаолияти учун масъул бўлган ўндан ортиқ генлар томонидан белгиланади, балки ҳар бир генетик вариант, эҳтимол, машқ қилиш қобилиятининг умумий ўзгаришига кичик фойза ҳисса кўшади. Шу сабаб, генетик таркибдаги кўплаб ўзгаришлар ген экспрессиясини ўзгартириши ва шахснинг чидамлилиқ ёки куч талаб қиладиган спорт турларида муваффақият қозонишига ёрдам бериши мумкин [8; 10]. Чидамлилиқ - бу спортчининг 20 дақиқа ва ундан кўпроқ вақт давомида максимал машқларни бажариш қобилияти, кучи ва тезлиги ўлчовидир. Чидамлилиқ юрак қисқришлар сони, тезлик ва ўртача қон босими каби параметрларни доимий назорат қилишни талаб қилади, бу эса оптимал юрак-қон томир тизими назоратини тўғри олиб боришни талаб қилади. Максимал чидамлилиққа эга бўлган узок масофага югурувчилар, велосипедчилар ва триатлончилар ривожланган аэробик фенотипдан фойдаланган ҳолда узок муддатли физиологик фаолликни намойиш қилишлари мумкин.

ADRB генлари полиморфизми ва юқори кўрсаткичлари бўйича тадқиқотлар камчиликни ташкил қилиб, кўп ҳолларда фақат чидамлилиққа асосланган спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларда [18; 19]. Юрак-қон томир тизимининг жисмоний машқларга жавоб реакцияси индивидуалдир, бу юрак-қон томир тизими фаолиятини тартибга солишда иштирок этадиган рецепторларни кодловчи генлар генетик вариациялари жисмоний лаёқатлилиқга таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатади [13.]. Илгарироқ ADRB2 Gly16Arg полиморфизми чидамлилиқ билан боғланиларди ва бунда Arg (A) аллели ижобий таъсирга эга эди [16]. ADRB2 ва ADRB3 генлари спортсменларда чидамлилиқ ва вазн кўрсаткичлари коррективкасида информатив маркёр бўлиб хизмат қилади [8; 20].

Инсон организмдаги ADRB3 гени 8-хромосомада 8p11.1-p12 позициясида жойлашган ва 2 та экзон, 1 интронни ўз ичига олиб, 408 аминокислота полипептидини кодлайди. Геннинг 190-ўринидаги тиминнинг цитозинга мутацион ўрнини босиши ADRB3 рецепторининг биринчи хужайра ичидаги ҳалқасида 64-аминокислота ҳолатидаги триптофан (Trp) нинг аргинин (Arg) қолдиги билан алмаштирилишига олиб келади. Бу мутация адипоцитлар функциясини бошқарадиган ташқи омилларга сезувчанлигининг

ўн барабар пасайиши билан боғлиқ. 190-позициядаги ADRB3 гени мутация жойига эга бўлиб, унда тимин (Т) ёки цитозин (С) мавжудлиги аниқланиши мумкин. ADRB3 генидаги мутациялардан бири кодлаш кетма-кетлигининг 64-позициясида триптофаннинг аргинин билан алмашилишига олиб келади, бу эса рецепторнинг адипоцитлардаги Gs оқсиллари билан таъсир ўтказиш қобилиятига таъсир қилиши мумкин [11].

Summary. The course and prognosis of chronic hepatitis and liver cirrhosis are largely determined by the immune status of the body. Cytokines actively participate in all stages of the immune response, regulating intercellular and inter-system interactions. Determining the cytokine status in chronic liver diseases is important for prognosis, as the level of cytokines reflects the intensity of regenerative processes in the liver and disease progression.

Key words: chronic liver diseases, immune inflammatory response, damage to hepatocytes, therapy.

Резюме. Течение и прогноз хронических гепатитов и циррозов печени в значительной степени определяются состоянием иммунного статуса организма. На всех этапах иммунного ответа активное участие в нём принимают цитокины, которые осуществляют регуляцию межклеточных и межсистемных взаимодействий. Определение цитокинового статуса при хронических заболеваниях печени имеет важное значение для определения прогноза, так как уровень цитокинов отражает интенсивность регенераторных процессов в печени и прогрессирование болезни.

Ключевые слова: хронические заболевания печени, иммунная воспалительная реакция, повреждение гепатоцитов.

Долзарблиги. Халқаро соғлиқни сақлаш ҳамжамияти берган маълумотиға кўра, бугунги кунда ер юзида 1% аҳоли вирусли гепатит С ва 5% аҳоли эса вирусли гепатит В билан зарарланган. Европа аҳолисининг 3%ида кўшма инфекция учраши билан бирга, 5% аҳолида ўткир вирусли гепатитлар учрамоқда [8,9]. Сурункали В гепатитининг тарқалиши жойига қараб юкори (>8% Африкада, Осиёда ва Шарқ-Тинч океани худудида), ўрта (2–7% Жанубий ва Шарқий Европада) даражада ёки паст (<2% Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Австралияда) даражада кузатилмоқда [9,6]. Ҳар йили сурункали гепатит билан оғриган беморларнинг 2-5%ида жигар циррози учрамоқда [4].

Бугунги кунда олимлар томонидан сурункали жигар касалликларида цитокин тизими аҳамияти, бу тизимнинг организм бошқа регулятор тизимлари билан алоқадорлиги оид тадқиқотлар ҳар томонлама кенг ўрганилмоқда [7]. Маълумки, иммун тизим фаолияти генетик назорат томонидан бошқарилади, шу сабабли вирусли инфекциялар сурункали тус олиши ёки сурункали гепатитлар ривожланиб бориши иммуногенетик механизмларга ҳам боғлиқлиги ҳақида фикрлаш мумкин [1,5,10]. Шу сабабли баъзи индивидлар вирус билан зарарланишга нисбатан резистент, баъзилари эса касалланишга мойил деган фикрлар илгари сурилмоқда [6,11]. Бугунги кунга келиб HCV ва

HBV вируслари тўғридан-тўғри гепатотоксик таъсир кўрсатмасдан, балки жигар тўқимасини зарарлаши иммун яллигланиш натижасида келиб чиқиши ва жигар фибрози жадаллашиши орасида ҳам боғлиқлик борлиги исботланган [2,3].

Физиологик шароитларда цитокинлар Ито ҳужайраларини, яъни аъзо фиброгенезида асосий вазифани бажарувчи жигар фибробластларини бошқариш вазифасини бажаради. Ито ҳужайралари профибротик фактор ишлаб чиқаришидан ташқари антифибротик факторларни ҳам ишлаб чиқариши билан биргаликда бу мувозанатни бир меъёрга сақлаб туриш вазифасини бажаради. Антифибротик факторларга коллагеназа, желатиназа ва стромелизин каби металлопротеазалар киради. Ўз навбатида металлопротеазалар фаоллиги Ито ҳужайралари томонидан ишлаб чиқарилувчи ингибиторлар орқали пасайтирилади. Жигар зарарланиши қандай этиологияли бўлишидан катъий назар кўп микдорда интерлейкин-1, ФНО-α каби цитокинлар ажралиб чиқарилади. Бу цитокинлар ўз навбатида Ито ҳужайраларини фаоллаштиради ва Ито ҳужайралари томонидан касаллик патогенезида ва ривожланиб боришида аҳамиятга эга бўлган тромбофаоллаштирувчи фактор (PDGF) ва трансформирловчи ўсиш фактори (TGF-β1) ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади. Трансформирловчи ўсиш фактори – бу цитокинлар гуруҳи

бўлиб, регенератор жараёнларни фаолловчи, коллаген ва хужайра ички матрикси ҳосил бўлиши билан кечувчи ва Ито хужайраларини фибробластларга трансформация қилиш вазифасини бажаради. Диссе бўшлиғидаги коллагеногенез синусоидларда қон айланишининг издан чиқиши ва гепатоцитлар некрози билан кечади. Сўнгги вақтларда цитокинларнинг жигар циррози касаллигининг портал гипертензия, жигар энцефалопатияси, қизилўнғач веналари варикоз кенгайган томирларидан қон кетиши, полиорган етишмовчилик каби асоратларидаги аҳамияти ўрганилган. Грамманфий бактерияларнинг ичак девори ўтказувчанлиги ошиши натижасида умумий қон айланиш тизимига тушувчи эндотоксинлари таъсирида жигар циррози билан касалланган беморларда яллиғланиши кучайтирувчи цитокинлар миқдори ошиши исботланган. Маълумки, нормал физиологик шароитда ичакнинг грамманфий бактериялари эндотоксинлари умумий қон айланиш тизимига тушганидан сўнг Купфер хужайралари томонидан нейтралланади. Эндотоксин липидлар пероксидли оксидланиши, ҳамда эркин радикаллар миқдорининг ортишига, шунингдек, ФНО- α миқдорининг ортиши, некроз ва хужайра яллиғланиши инфильтрацияси ортиши натижасида апоптоз кучайишига олиб келади. ФНО- α миқдорининг ортиши ИЛ-1, ИЛ-6, ИЛ-8 каби гепатоцитлар некрози, апоптоз ва фиброгенезга сабаб бўлувчи интерлейкинлар миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Баъзи муаллифлар томонидан тадқиқотлар натижасида экспериментал сичқонларда ФНО- α портал гипертензия келиб чиқиши исботланган. ФНО- α ва ИЛ-8 биргаликда кислороднинг фаол шакллари ва азот оксиди ишлаб чиқарилишида иштирок этиб, турли аъзо ва тўқималар шикастланишига ва оқибатда полиорган етишмовчилигига сабаб бўлади. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қон зардобиди ФНО- α , ИЛ-1, ИЛ-6 каби яллиғланиш цитокинларининг ортиши ИЛ-4, ИЛ-10 каби яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг камайиши билан биргаликда келиши портал гипертензия, жигар энцефалопатияси, асцит, асцит-перитонит каби асоратларга сабаб бўлади [12].

Шундай қилиб, жигар циррози касаллигида яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар орасида мувозанат издан чиқади. Яллиғланиш цитокинлари жигар циррози декомпенсацияси патогенезида ва портал гипертензия, асцит, жигар энцефалопатияси ва жигар етишмовчилиги каби асоратлар келиб чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдукадырова М.А. Прогностические маркеры хронизации вирусного гепатита С. Иммунология. 2002, № 1, С. 47–50.
2. Абдурахманов, Д.Т. Вирус гепатита В в патологии человека. Клиническая фармакология и терапия. 2002, № 1, С. 48–56.
3. Астахин А. В., и соавт. Роль цитокинов и интерферона α в патогенезе хронических диффузных заболеваний печени. А.В.Астахин и соавт. Вестник РАМН, 2004, № 4, С. 19–23.
4. Белобородова Э.И., Абдрашитов Р.Ф., Белобородова Е.В., Бурковская В.А. и соавт. Диагностическая ценность определения сывороточных маркеров фиброза печени при хроническом вирусном гепатите. Клиническая медицина. 2007., № 9, С. 61–63.
5. Бондаренко А.Л. Неблагоприятные прогностические иммунологические и иммуногенетические факторы формирования цирроза печени у больных хроническим гепатитом В / Бондаренко А.Л., Барамзина С.В. // Росс. журн. гастроэнтерол, гепатол, колопр-октол.— 2004.— № 4.— С. 54—59.
6. Покровский В.И. Хронический гепатит С: современные представления о пато- и морфогенезе. концепция антивирусной стратегии гепатоцитов. Бюллетень экспериментальной биологии и медицины. 2003, Т. 135, № 4, С. 364–376.
7. Рачковский М.И., Черногорюк Г.Э., Белобородова Э.И., Белобородова Е.В. и соавт. Оценка прогностической роли альфа-фетопротеина при циррозе печени: результаты 3-летнего наблюдения. Современные проблемы науки и образования. 2013, № 5, С. 303–304.
8. Рачковский М.И. Внушинская М.А. Белобородова Э. И. соавт. Эффективность комбинированной терапии йодантипирина с рефероном у больных хроническим гепатитом В // 9th, UEGW, Amsterdam, The Netherlands, 6-10 October, 2001. - poster 1089.
9. Ярилин А.А. Система цитокинов и принципы ее функционирования в норме и при патологии. Иммунология. 1997, № 5, С. 7–14.
10. European Association for the Study of the Liver EASL Clinical Practice Guidelines: Management of chronic hepatitis B. J. Hepatol.-2009.-№ 50(2).-P.227–242.
11. Interleukin-1beta gene polymorphism associated with hepatocellular carcinoma in hepatitis B virus infection /Hirankarn N., Kimkong I., Kummee P // World J. Gastroenterol.— 2006.— Vol. 12, N 5.— P. 776—779.
12. Li X., Geng M., Peng Y., Meng L., Lu S. Molecular immune pathogenesis and diagnosis of COVID-19. J Pharm Anal 2020;10 (2):102–8.

НЕВРОЗ КАСАЛЛИГИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИСЪТЕМОЛИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Суюнов Н.Д.

Тошкент фармацевтика институти, Ўзбекистон.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ПРИМЕНЕНИЮ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ ПРИ ЗАБОЛЕВАНИЯХ НЕВРОЗОВ

Суюнов Н.Д.

Ташкентский фармацевтический институт, Узбекистан.

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL PROBLEMS OF SCIENTIFIC RESEARCH ON THE USE OF MEDICINES FOR DISEASES OF NEUROSIS

Suyunov N. D.

Tashkent Pharmaceutical Institute, Uzbekistan.

Аннотация. Таҳлилда фармакоиқтисодий изланишларга оид невроз касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмоли назарий ҳамда услубий муаммолари бўйича тадқиқотлар маҳаллий ҳамда чет эл адабиётлари, меъёрий-ҳужжатлар асосида таҳлил қилинди. Невроз касаллигининг дунё бўйича тарқалиши, этиологияси, эпидемиологияси ва таснифи, невроз касаллигида қўлланиладиган дори воситалари ва даволаш жараёнларини ўзига хослиги, невроз касаллигида фойдаланилган дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлили ёритиб берилди. Фармакоиқтисодий тадқиқотлар ва невроз касаллигига оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида дори воситаларининг истеъмоли назарий ҳамда услубий жиҳатлари таҳлил қилинди. Неврозларда қўлланиладиган дори воситаларининг таҳлили, касалликни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмоли ҳақида маълумотлар келтирилиб, касаллик билан боғлиқ муаммолари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: невроз, беморларни даволаш, психологик касалликлар, дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи, фирма номлари, самарадорлиги ва харажатлари.

Аннотация. В исследовании проанализированы теоретические и методологические проблемы применения лекарственных препаратов при неврозе, связанные с фармакоэкономическими исследованиями, зарубежной и отечественной литературой, а также нормативными документами. На основе отечественной и зарубежной литературы по фармакоэкономическим исследованиям, проанализированы теоретические и методологические аспекты употребления лекарственных средств. Был представлен анализ лекарственных средств, используемых при неврозе, использование лекарственных средств, применяемых при лечении заболевания, и были проанализированы проблемы, связанные с заболеванием.

Ключевые слова: неврозы, лечение пациентов, психологические нарушения, международные не патентные названия лекарственных средств, торговые названия, эффективность и затраты.

Summary. As a result of the analysis, the theoretical and methodological problems of the use of drugs were used, neuroses associated with pharmacoeconomic studies, foreign and domestic literature, and regulatory documents were used. Based on domestic and foreign literature on pharmacoeconomic research and neurosis, the theoretical and methodological aspects of drug use were analyzed. An analysis of the drugs used for neurosis, the use of drugs used to treat the disease was presented, and problems associated with the disease were analyzed.

Key words: neuroses, treating patients, psychological disturbances, international non-patent names of the medicinal substances, trade name, effectiveness, costs and expenditures.

Невроз касаллигининг этиологияси, эпидемиологияси ва таснифи.

Неврозлар олий нерв руҳий фаолиятини бузилиши билан ифодаланадиган нерв тизими касалликлари гуруҳидир. Неврозлар турли нерв бузилишлари ичида ўзининг кенг тарқалганлиги ва кўпроқ учрашига кўра биринчи ўринда туради. Сўнгги вақтларда неврозлар кўрсаткичлари, айниқса, ривожланган мамлакатларда кўпайишга мойиллигидан далолат беради. Неврозларни «Цивилизация касалликларига», «Маданият ошиши», «Тараққиёт касалликлари»га киритилади. Неврозларни келиб чиқишини организмга ижтимоий-турмуш омилларидан аҳолининг урбанизацияси «Шаҳарланиши» маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳаётда жисмоний меҳнатнинг камайиши ҳар хил ахборот, руҳий эзилишларга олиб келувчи ҳолатларнинг кўпайиши ҳамда ҳоказолар билан белгиланади.

Тиббиёт амалиётида клиник жиҳатдан неврозлар

мустикал нозологик шакл ёки соматик касалликларидан олдинги ҳолат сифатида юз берувчи «Чегара ҳолати», касаллик олди деб ҳисобланади.

Стресс билан боғлиқ невротик ва соматоформ бузилишлар (F 40-48) – энг кўп учрайдиган психик касалликдир. Поликлиниканинг ҳудудий участкасида невротик бузилишларнинг салмоғи ўртача 14,9 % ни ташкил қилади [1,4]. Эпидемиологик тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, хавотирли-фобик бузилишлар юқори даражадалиги аниқланди, яъни – 6,1 % беморларда тарқоқ хавотирли ҳолатлар – 4,5 % беморларда ижтимоий фобиялар кузатилган [10].

Аҳоли орасида кенг тарқалган руҳий ўзгаришлар қаторига соматоформли бузилишлар ҳам киритилади (асосан, вегетатив нерв тизимига тааллуқли) [7]. R.Kellner маълумотларига кўра, бирламчи тиббий тармок доирасида соматоформли бузилишлар тарқалганлиги 10% дан 30 % гачани ташкил этади.

Невроз – психогенли (одатда, конфликтогенли) нерв-руҳий бузилишдир, у инсоннинг ҳаётий кўз карашларини бузилишлари натижасида келаб чиқади ва психотик ҳодисалар бўлмаган ҳолатда специфик клиник феноменларда намоён бўлади. Ҳозирги вақтда адабиётларда неврозларнинг полиомилли этиологиясининг концепцияси кенг тарқалган. Биологик, психологик ва ижтимоий механизмлар ягоналиги тан олинмоқда.

Неврозлар психопатиялар билан ҳасталанмаган шахсларда, шунингдек, характерининг психопатик белгилари йўқ инсонларда юзага келиши мумкин.

Невроз сўзини фанга биринчи бўлиб шотланд шифокори Келлен 1776-йилда олиб кирган. Невроз – бу марказий асаб тизимининг функционал касаллиги ҳисобланади. Неврозларнинг келиб чиқиш сабаблари кўп ва турли-туман бўлиб, марказий асаб тизимига ҳар хил стрессларнинг таъсири натижасида пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда ахборотнинг кўплиги ва одамларнинг кам ҳаракат қилиши натижасида, руҳий жароҳатларнинг кўплиги ирсий ҳамда генетик мойилликлар, тез-тез касалликка чалиниб туриш, ҳар хил ваҳимали, кўрқинчли видеофильмларни кўриш неврозларга олиб келади. Бундан ташқари, оилада, уйда ва ишхонадаги стресс ҳолатлар, жанжаллар ҳамда сурункали ошқозон-ичак касалликлари, юрак-қон томир касалликлари ҳамда алкоғолизм таъсири натижасида ҳам келиб чиқади. Неврозларда бош мия пўстлоғи ва пўстлоқ ости тугунларининг фаолияти бузилади [10, 21].

Невроз касаллиги жуда қадимдан маълум. Бу касалликни тиббиёт илмининг султони Абу али Ибн Сино ҳам мукамал ўрганган. Ўша даврда неврозга қуйидагича таъриф берилган: бу касалликда тана ҳарорати кўтарилмайди, бирон-бир аъзо зарарланмайди, танада лат еган жойлар бўлмайди, бироқ беморнинг асаби бузилган бўлади.

Невроз – асаб тизимининг функционал касаллиги бўлиб, инсонга руҳий жароҳат етказувчи ташқи ва ички омиллар натижасида ривожланади. Демак, невроз асаб касаллигидир. Невроз белгилари узоқ ёки қисқа вақт давом этишидан қатъий назар, бутунлай тузаладиган касаллик. Бироқ, бу даволаш жараёни бир ой, баъзида ундан ҳам кўп давом этади.

Невроз асабнинг ортиқча зўриқишидан келиб чиқади. Асаби тор одамлар неврозга тез чалинишади. Ақлий ва жисмоний меҳнатнинг номутаносиблиги, доимий хиссий зўриқишлар, яқин кишидан жудо бўлиш, оила ва ишхонадаги келишмовчиликлар, кўркув ва ҳавотирда юриш неврозга сабабчи бўлади. Невроз инсонларнинг оила аъзоларида учраши унинг ривожланишида наслий омилларнинг аҳамиятини ҳам кўрсатиб беради. Ёш болаларда неврозни ривожланишига уни ўраб турган муҳит, айниқса, ота-она орасидаги жанжаллар сабабчи бўлади. Болалик даврида олган тан жароҳатлари ҳам бундан мустасно эмас [7].

Невроз нафақат жаҳлдор одамлар, балки ўта андишали одамларда ҳам ривожланиши мумкин. Айниқса, андишали одам жанжалли воқеалар рўй берганда ҳиссиётга изм бермасликка, ўзини бошқариб туришга ҳаракат қилади, бировнинг кўнглини оғритиб қўймай дейди. Бу ҳолатлар, аксарият ҳолларда, асаб тизимининг чарчасиға сабабчи бўлади. Шунингдек,

витами́нлар етишмовчилиги, камқонлик, сурункали ва оғир касалликлар ҳам неврозга олиб келади.

Невроз белгилари турли-туман бўлиб, улар ичида тез-тез асабийлашиш, жаҳлдорлик, уйқу бузилиши, бош оғриши, бош айланиши, умумий ҳолсизлик, юрак уриб кетиши, паришонхотирлик, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятининг пасайиши каби симптомлар кўп кузатилади [10].

Неврозлар – руҳий фаолиятнинг аслига келтириш мумкин бўлган руҳий фаолият бўлиб, у руҳиятга зарар етказадиган, таъсир қиладиган омиллар ва беморнинг ўз касаллигини тўғри тушуниши ва борлик дунёни тўғри тасаввур қилишга боғлиқдир. Неврозлардан ташқари, неврозсимон ҳолатларни ажратишади, улар бирорта касаллик сабабли пайдо бўлади ва ўзининг ташқи аломатлари билан неврозларга ўхшайди.

Неврозлар билан ҳасталанган беморлар учун умумий бўлган шахс бузилишларини ажратиш мумкин, улар орасида инфантил ва эгоцентрик кўринишлар асосий ҳисобланади ва невроз билан касалланган шахснинг эмоционал, ўзини тутиши ва ижтимоий етишмовчилик белгиларини акс эттиради [2]. Неврознинг 3 тури фарқланади: неврастения (том маънода невроз), истерия ва миядан кетмайдиган фикрлар.

Неврастения камида тўртта облигат симптомлар билан тавсифланади.

1. Ташқи таъсиротларни кўтара олиш бўсағасининг пасайиши, шу туфайли, бемор ўзининг (эмоционал) реакцияларини, яъни ҳис ҳаяжонларини назорат қила олмайди, бу тутоқиб кетиш, ғазабдорлик, ўзини тута олмаслик, йиғлоқлик билан намоён бўлади.

2. Беморнинг жисмонан ва руҳан ҳоли жуда қурийди, меҳнат қобилияти пасайиб кетади, дарров толиқиб қолади, ланж бўлади, диққатини унча тўплай олмайди.

3. Уйқунинг бузилиши – бемор дарров ухлай олмайди, уйқуси юзаки бўлади, кундуз кунлари жуда уйқучан бўлади, эрталаб уйқудан ланж бўлиб туради.

4. Полиморф соматовегетатив бузилишлар – бош тортиб оғрийди (неврастеник каска), бемор томирининг уришини сезиб туради, юрак соҳаси оғрийди, иштаҳаси пасаяди, метеоризм, ичи қотади, гоҳо ичи ҳам кетиб туради, панжалар ва оёқ қафтининг локал гипергидрози бўлади, қовоқлари учади, қўл бармоқлари қалтирайди, юз мушаклари тики пайдо (аксари қовоқларда) бўлади, жинсий қобилият пасаяди, эркакларда шахват тез кетиб қолади, аёлларда фригидлик (эрзадалик) бўлади [8].

Неврастениянинг кечишида учта давр тафовут қилинади.

I босқич – ўта жаҳлдорлик, ўз ҳис-ҳаяжонларини назорат қила олмаслик симптомлари устунлиги билан тавсифланади.

II босқич – облигат неврастеник симптомларининг озиб кетиш (ваҳима, депрессия) билан бир кечиши билан фарқ қилади.

III босқич – тезда озиб кетиш, гиподинамия, ланжлик, депрессия билан характерланади.

Неврастенияни касалликнинг босқичини ҳисобга олган ҳолда даволанади:

I босқичда транквилизаторлар;

II босқичда транквилизаторлар ва ноотроп воситалар;

III босқичда антидепрессантлар ва

психостимуляторлар қўлланилади. Неврастенияда невроз жуда толиқиб қолиш ёки асабни бузадиган омиллар узоқ таъсир қилиб туриши натижасида пайдо бўлиши туфайли касалликнинг барча босқичларида психотерапия буюрилади [10].

Полиморф функционал рухий, соматик ва неврологик бузилишлар билан пайдо бўлади ва жуда таъсирчанлик, ўз-ўзига таъсир қилиш, қандай йўл билан бўлмасин атрофдаги одамларнинг диққатини ўзига тортиш билан намоеън бўлади. Истерик невроз тўсатдан: қаттиқ рухий изтироб ёки оғир озор етказадиган вазиятнинг секин-аста узоқ вақтлар таъсир қилиб туриши натижасида, одатда, конституционал шахс хусусиятларига эга одамларда пайдо бўлади.

Истерияга мойил одамларнинг шахсий хусусиятлари, одатда, чақалоқлигидан, уни жуда авайлаб нотўғри тарбия қилганда, барча инжиқликларига кўнганда ёки аксинча болага ёмон, бешафқатлик билан қараганда пайдо бўлади. Бундай одамлар катта бўлганларида ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмайдилар, олдиларига қўйган мақсадларига эришишга ноқобил бўладилар. Ана шунда беморда рухий рақобатлар пайдо бўлиб, неврозга олиб боради [3].

Истерия учун қуйидаги белгилар хос. Эгоцентризм, одамларни қандай йўл билан бўлмасин ўзига қаратишга интилиш, жумладан, касалликнинг ғайриоддий симптомлари. Олифтагарчилик, ўзини кўз-кўз қилиш, инжиқлик, инфантиллик, атрофдаги бошқа одамларнинг олдида касаллик аломатларининг зўрайиши. Ҳаёт қийинчиликларидан қочиб, баъзан одам ўзи билмаган ҳолда касал бўлиб қолиши.

Истериянинг клиник манзарасини неврологик, рухий ва аралаш бузилишларга бўлишади. Неврологик бузилишлар ҳаракати, сенсор (сезги) ва вегетатив бузилишлар билан намоеън бўлади. Ҳаракатни бузилишлари аксари юришнинг жуда ўзгариши, статик атаксия, фалажликлар, парезлар билан намоеън бўлади, шунда ҳам рефлектор сферада ўзгаришлар бўлмайди.

Асаби қаттиқ бузилганда пайдо бўладиган истерик тутқаноқлар ниҳоятда одамларни ўзига тортади. Эпилептик тутқаноқлардан фарқ қилиб, беморлар ҳеч қачон ҳушларидан кетмайдилар, шикастланмайдилар, тилларини тишламайдилар ва сийиб юбормайдилар. Тутқаноқда томоққа нарса тикилгандек бўлади, шундан кейин бемор йиғлай бошлайди, ўкириб йиғлашга ўтади, кейин бирдан хоҳлаб кулади; бемор безовта бўлиб, титраб-қақшайди, ерда юмалайди, қўллари ва оёқлари билан ерни уради, букилиб олади, сочларини юлади. Истерик тутқаноқ бир неча дақиқадан, бир неча соатгача чўзилади, шундан кейин бемор жимиб қолади, тўла ёки қисман амнезия бўлади.

Сенсорли бузилишлар сезгининг, одатда, анестезия билан гемитипда, қатъий ўрта чизикда йўқолиши билан намоеън бўлади. Бироқ тананинг деярли турли соҳаларида сезги ўзгарган жойлар ҳам учрайди, бу иннервациянинг анатомик зоналарига мутлақо мос келмайди [9].

Вегетатив – висцерал бузилишлар ҳозирги пайтда анча кенг тарқалган. Силлиқ мушакнинг спазми муносабати билан беморнинг томоғи қисилади «Истерик нарса тикилиши», ҳаво етишмайди, нафас олиши қийин бўлади, юраги оғрийди, жағлари тортишади. Аёлларда «Сохта ҳомиладорлик» пайдо бўлиши мумкин, гўё

аменорея бўлади, қорин катталашади, сут безлари катталашади. Жинсий ҳаёт ҳам ўзига хос бўлади, фригидлик билан бирга ноз-қарашмалар қилганда ҳам жинсий қониқмай, эркакларда эса потенция ҳусайгани ҳолда шахвоний ҳирс кучаяди.

Истерияда рухий бузилишлар полиморф бўлади. Одатда, булар олифтагарчилик қилиши, қўллари чалкаштириб, оҳ-вохлар қилиши, билан кечадиган фобиялардир.

Истерия ҳар қандай касалликда рухий симптомлар билан юзага чиқади.

Бу хилдаги неврозни даволаш комплекс олиб борилади, психотерапия ўтказилади, умумқувватга киритувчи воситалар, транквилизаторлар ва кичикрок дозада нейрорептиклар қўлланилади.

Ёпишқоқ ҳолатлар неврозида (обсессив-компульсив бузилишларда) ҳаракатлар ва тушунчаларнинг миядан кетмаслиги асосий симптомлар ҳисобланади. Мияга ўрнашиб қолган ваҳима ўз мазмунига кўра, икки йўналишда бўлади, ўз ҳаёти учун жуда ваҳимага тушиш ва кўпчилик олдида одобсизлик, ахлоқсизлик қилиб қўйишдан кўрқиб қузатилади.

Биринчи гуруҳдаги фобиялардан тўсатдан ўлиб қолиш, миокард инфаркти бўлиб қолиш, яшин уришидан кўрқиб, рақ бўлиб қолиш, таносил касалликлари билан оғриб қолишдан кўрқиб хос бўлади. Эҳтимол касалликлар юқиб қолишининг олдини олиш учун бемор қўллари тез-тез ювади, такрор-такрор ЭКГ қилдиради, қонини турли тиббий муассасаларда “Вассерман” реакциясига текширтиради. Мияда ўрнашиб қолган ҳаракатлар турли-туманлиги билан фарқ қилади – ҳадеб бир сонни санайвериш, ҳаракатларни ҳадеб бир хилда қилавериш мияга жойлашиб қолган маросимларни қилишга олиб келади.

Мияда кетмайдиган фикрларнинг иккинчи гуруҳи бирорта бемаъни ҳаракат қилиб қўйиш, нотаниш одамлар олдида бақириб юборишдан, магазин витринасини синдириб қўйишдан кўрқиб ва ҳоказолар.

Бундай неврозларни даволашда психотерапия ўтказилади. Замонавий халқаро таснифда, жумладан, 10 та қайта кўрилган касалликларнинг халқаро таснифида неврозлар ҳақида анъанавий тушунчалар кўриб чиқилмаган. Бунинг ўрнига «Стрессга ва соматотроп бузилишларга боғлиқ «Невротик» бузилишларга тушунча киритилган, улар, ўз навбатида ваҳималик-фобик бузилишларга, обсессив-компульсив (миядан кетмайдиган), оғир стрессга ва адаптациянинг бузилишига реакция, конверсион (истерик) бузилишлар, соматоформ (ички аъзолар ишининг бузилиши билан намоеън бўладиган) бузилишларга бўлинади.

Ёпишқоқ ҳолатлар неврозининг асосий хусусияти такрорланаверадиган миядан кетмайдиган қийин фикрлар ёки ҳаракатлар ҳисобланади. Миядан кетмайдиган ҳаракатларда бемор бир хил қилиқларни ёки маросимни ҳа деб такрорлайверади. Бу ҳаракатлар ҳеч қанақа фойда келтирмайди, унинг мазмуни келажакда беморга зарар қилиши мумкин бўлган бирорта ақл бовар қилмайдиган нарсаларнинг гўё олдини олишдан иборат бўлади. Беморлар бу ҳаракатларининг бемаънилигини биладилар ва унга қарши курашадилар, лекин бунинг уддасидан чиқмайдилар. Миядан кетмайдиган фикрлар ҳа деб бир хилдаги ғоялар, образлар ёки майл-истакларни такрор ва

такрор ўйлашдан иборат бўлади. Бундай мияга ўрнашиб қолган фикрлар, одатда, шармандали, тажовузкорли ёки шунчаки бемаъни бўлади, беморлар уларни қилмасликка уринадилар, лекин қўлларидан ҳеч нарса келмайди [10].

Ўзбекистонда невроз касаллигини даволашга қуйидаги хужжатлар тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон “Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақидаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062) буйруғи тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон буйруғидаги иловада “Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар” рўйхати берилган.

1. (F 00 – F 09) органик, шу жумладан симптоматик рухий бузилишларда тиббий хизматлар кўрсатиш;

2. (F 20 – F 29) шизофрения, шизотипик ва васваса бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

3. (F 30 – F 39) аффектив бузилишларда тиббий хизматлар кўрсатиш;

4. (F 40 – F 48) стрессга боғлиқ невротик ва соматоформ бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

5. (F 50 – F 59) физиологик бузилишлар ва жисмоний омиллар билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор синдромларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

6. (F 60 – F 69) етуклик ёшдаги шахс ва хулқ-атвор бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

7. (F 70 – F 79) ақл заифлигида тиббий хизматлар кўрсатиш;

8. (F 80 – F 89) психологик (рухий) ривожланишнинг бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

9. (F 90 – F 98) одатда, болалик ва ўсмирлик ёшида бошланган эмоционал ва хулқ-атвор бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш.

Мазкур касалликлар рўйхати ICD – 10 халқаро касалликлар (Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун мослаштирилган) таснифига биноан шакллантирилган.

Ихтисослаштирилган малакали психиатрик тиббий ёрдам ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлмаган рухий ва хулқ-атвор бузилишлари кузатилган шахсларга уларнинг ёзма розилиги асосида (ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар учун уларнинг қонуний вакиллари томонидан берилган ёзма розилиги асосида) кўрсатилади [41].

Невроз касаллигида қўлланиладиган дори воситалари ва даволаш жараёнларининг таҳлили.

Неврознинг клиник кўриниши, маълумки, учта психоэмоционал бузилишлар: неврастеник, истерик

ва обсессив-фобик ўзгаришлар атрофида жамланади. Буларнинг ҳар бири специфик клиник кўринишлар, кечишининг ўзига хослиги, дифференциал ташхиснинг қийинлиги билан хусусиятланади. Лекин уларнинг барчаси умумий бўғинларга эга, масалан неврозга асосий мойиллик ва мотивацияларни қўшилиши [31].

Неврозларнинг қуйидаги симптомлари фарқланади.

Астеник симптом – асаб ва руҳиятнинг заифлашуви, толиқиши. Жуда кўп касалликлардан кейин ва соғлом одамлар чарчаганда, толиққанда астеник симптом кузатилади. Бунда бош оғриқ, бош айланиш, кўнгил айниш, сержахиллик, юрак соҳасида оғриқ, тез чарчаб қолиш, хотиранинг сусайиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши ва кайфиятнинг бузилиши сабаб бўлиб туради. Беморларнинг уйқуси бузилади, уйқуси юзаки бўлади ёки тезда ухлаб қолмайди. Кўп ўйлайдилар, уйқудан тургандан кейин қарахт бўлиб турадилар.

Обсессив симптом – миядан кетмайдиган ҳолат. Бунда беморлар қилган ишларини қайта-қайта текшириб юрадидилар. Масалан: эшик қулфланганми ёки йўқми, газ ўчирилганми ёки йўқми, деб безовта бўлиб юрадидилар. Беморларнинг миясига кўрқинчли, ваҳимали нарсалар ўрнашиб қолади ва улардан қутулиш чораларини кўп ўйлаб юрадидилар.

Фобик симптом – бунда беморлар бирор нарсалардан кўркиб яшайдилар. Кардиофобия – юрак касали бўлиб қолишдан кўркиш, лиссофобия – рухий касал бўлиб қолишдан кўркиш, гипсофобия – баландликдан кўркиш, канцерофобия – рак касаллигидан кўркиш, клаустрофобия – ёпиқ иморатлардан кўркиш, агорафобия – очик жойлардан кўркиш.

Мактаб ва кичик мактаб ёшидаги болаларда хавотирли бузилишлар учрайди, улар болалик ёшидаги айрилиқ қурқуви билан боғлиқдир [6]. У уйда ёки уйдан ташқарида ота-оналаридан ва бошқа одамлардан ажралиш қурқув хиссининг ҳаддан ташқари ривожланганлиги, шунингдек, мактабга боришдан бош тортиши ёки уйдан чиқишдан ҳадиксираш билан намоён бўлади. Бола ишонган инсонларидан ажралиб қолиш билан боғлиқ қурқуви сабабли нотинчликни сезади. Шифокорга мурожаат қилиш сабаби бўлиб, ўзини ёмон ҳис қилиши (бош оғриқлари, қориндаги оғриқлар ва бошқалар), шунингдек, кўнгил айниши, қусиш сабаб бўлади. Бу белгилар яқин одамларидан ажралиш вақтида жуда ҳам кучаяди. Болаларда кейинчалик имтиҳонлардан кўркиш ҳисси ривожланади [10].

Ипохондрик симптом – бунда беморлар ўз соғлиғига нисбатан ортиқча қайғурадидилар ва кўп ўйлайдилар. Ипохондрик симптом рухий касалликларда кўп учрайди ва фобиялар билан бирга кечади. Ипохондрик симптомда беморлар танасида увишиш, ёқимсиз ҳис-туйғулар ва оғриқлар бўлиб туради.

Невротик депрессия симптоми – бунда беморлар ташқи воқеаларга бефарқ, лоқайд бўлиб қоладилар. Беморларнинг кайфияти бузилган, иштаҳаси йўқолган ва уйқуси бузилган бўлади. Беморлар бир ўзи ёлғиз қолишга интилади. Невротик депрессияда беморлар ўзини қўлга олади, истериядаги сингари ҳаракатлар қилмайди.

Неврастения – бу астения ва депрессия симптомларининг биргаликда қўшилиши нағижасида юзага келади. Неврастенияда беморлар шикоятти бош оғриқ, бош айланиш, уйқусизлик, юрак соҳасидаги

увишиш ва оғрик, қўл- оёқларнинг совуқ қотиши, кўп терлаш, диспептик бузилишлар – кўнгилай айнаш, қусиш, ошқозон соҳасида ва ичакларда оғрик ҳамда ич кетиши ёки қотишидир. Бундан ташқари, жинсий заифликдан, тез жаҳли чиқишидан шикоят қиладилар. Неврастения кўзгалишнинг кучайиши натижасида иш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бунда беморлар тез чарчаб қолади, ақлий ва меҳнат қобилиятининг пасайишига олиб келади ҳамда хотиранинг сусайиши бошланади. Бемор текшириб кўрилганда қўлларида титраш, кўп терлаш, пай рефлексларининг жонланиши кузатилади [40].

Неврастениянинг 3 та тури бор. Гиперстеник тури – бунда беморларнинг асабийлашиши, арзимаган нарсалардан таъсирланиши, салга кўз ёш қилиши ва диққатининг бузилиши кузатилади. Гипостеник турида беморлар жисмоний ва ақлий қобилиятининг пасайиши, толиқиш ҳамда уйқучанлик белгилари кузатилади. Аралаш турида беморлар бирпасда асабийлашадилар, Бу толиқиш, уйқучанлик белгилари билан алмашилиб туради. Неврастенияда вегетатив ўзгаришлар ҳам кузатилади. Беморларнинг юрак соҳасида хуружсимон оғрик, қўл ва оёқларида увишиш, музлаб қолиш, кўп терлаш белгилари билан ўтади.

Истериянинг клиник кўриниши турли-туман бўлиб, унинг баъзи белгилари бошқа бир касалликка ўхшаб кетгани учун истерияни «Буюк тақлидчи» деб аташади. Истерияда бош мия пўстлоғи тормозланиб, пўстлоқ ости тугунлари фаолияти ошади. Натижада, пўстлоқ ости тугунларининг ихтиёрсиз кўзгалишлари ва тутқаноқ хуружлари пайдо бўлади. Истерияда ташқи таъсирлар беморнинг руҳиятига таъсир қилиши натижасида юзага келади. Истерияда бемор ҳаракати тартибсиз, бирдан бошланади. Кўпроқ кундуз кунлари бўлиб, бунда эҳшои сақланган бўлади. Бемор бўлиб ўтган воқеаларни эслайди. Истерия тутқаноқ хуружида бемор хушдан кетишдан олдин ўзига қулай жой танлайди, сўнг бирор жойи лат емаслиги учун секин йиқилади. Агар беморнинг атрофида одамлар бўлса, истерик тутқаноқ хуружи узок давом этиши мумкин. Беморлар тутқаноқ вақтида кийимларини тортиб йиртади, юзини тирнайди, бошини деворга уради, ўзининг кўксига уради. Беморлар бундай ҳолатларда тилларини тишлаб олмайдилар. Беморлар кўз қорачиқлари ёруғликка жавоб реакцияси сақланган бўлиб, касаллик рефлекслари бўлмайди ва ихтиёрсиз ўринларига сийиб юбормайдилар. Истерия тутқаноқ хуружи бир неча дақиқадан бир неча соатгача давом этиши мумкин. Истерияда ҳаракат ва сезувчанликнинг бузилиши, шунингдек, моноплегия, параплегия, гемиплегия, гиперкинезлар ҳамда гапираолмаслик, эшитаолмаслик (сурдомутизм) кузатилади. Истерия фалажида мушаклар тонуси ўзгармайди, пай рефлекслари бузилмаган, патологик рефлекслари ва атрофия бўлмайди [20, 32].

Миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози обсессив ва фобик симптомлар билан биргаликда кечади. Бу неврозлар неврастения ва истерияга нисбатан кам учрайди. Бунда касаллик белгилари мияга ўрнашиб қолади. Беморнинг кўнгилай ваҳималар, хавотирланиш ва кўрқув ҳиссиётлари пайдо бўлади. Бундай беморларни текшириб кўрилганда ички аъзолари ва асаб тизимида асосий касаллик белгилари топилмайди. Беморларда кўпроқ пай рефлекслари биров жонланган,

қўл панжаларининг титраши, мушаклар тонуси биров таранглашган, юракнинг тез уриши ва кўп терлаш ҳамда бошқа вегетатив ўзгаришлар кузатилади. Беморларда кўпроқ фобик симптомлар, яъни кардиофобия, инсультфобия, мизофобия – ўзига инфекция юкиб қолишидан кўрқиб, суицидофобия – ўзини ўзи ўлдириб қўйишдан кўрқиб ва бошқа белгилар кузатилади. Бундай неврозлар узок давом этади ва одам меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиб туради.

Беморнинг онгига таъсир қилиш борасида шифокорнинг нуқтаи назаридан терапия олдидаги масалалар бўлиб, беморнинг руҳий ҳолатини ўзи бошқара олиш қобилиятини тиклаш, касалликка фаол тарзда қарши туришни шакллантириш ҳисобланади.

Нефротик бузилишларни даволаш комплексли ёндашишни тақоза қилади. Терапия ўз ичига учта йўналишни: биологик, психологик (психотерапевтик) ва ижтимоий йўналишларни оптимал тарзда уйғунлашган ҳолда қўллашни ундайди. Даволаш услубларини танлаш негизда психопатологик синдромнинг ҳам клиник, ҳам психологик хусусиятларини таҳлил қилиш ётади [38].

Невротик бузилишларни даволашнинг асоси бўлиб психотерапия ҳисобланади.

Стресс билан боғлиқ неврозларни даволашда психофармакотерапиянинг аҳамияти жуда ҳам юқори [39]. Ҳозирги вақтгача хавотирли бузилишлар давосида бензодиазепинлар, асоан янги турлари кўп қўлланилади. Буларга альпразолам – кучли кўрқиб бузилишларини даволаш учун, ва грандаксин – вегетостабилизатор сифатида, ва бошқа дори препаратлари тааллуқли [11].

Невротик бузилишларнинг қатор шакллари (асосан хавотирли-фобик ва соматоформли бузилишларни) даволашда антидепрессантлар, танлов дори препаратлари ҳисобланади. Улар юқори самарали ва бутун жаҳонда кенг қўлланилади, масалан, пароксетин ва кломипрамин, оланзапин, флювоксамин, циталопрам, сертралин [12].

Дори препаратларини танлаш ва дозаларини тўғри белгилашда уларнинг самарадорлиги 70–75 % га тенг бўлади.

Соматоформ бузилишларни даволашда бошқа гуруҳларга тааллуқли дори препаратлари ҳам қўлланилади, масалан янги тутқаноққа қарши препарат габапентин [13].

Ушбу гуруҳ касалликларини даволашда муҳим рол ноотроп дори препаратларига тегишли. Улар мия метаболизмини яхшилайдди, мия фаолиятининг интегратив жараёнларини кучайтиради, бош мианинг гипоксияга ва бошқа таъсирларга турғунлигини оширади. Аминалон, ноотропил, энцефабол, фенибут ва бошқа дори препаратлари нафақат неврозсимон ва интоксикацион бузилишларда, балки хавотирли ва соматоформли фармакорезистент бузилишларда ҳам қўлланилади.

Неврозларни даволашда психотерапевтик услублар ҳам муҳим рол ўйнайди. Оқилона психотерапия доирасида шифокор беморнинг яқинларига унинг касаллиги ҳақида аниқ, тушунарли маълумот бериши лозим. Оилавий даволашга ҳам катта эътибор берилади, унинг асосий мақсади оиладаги руҳий шикаст ҳолатига барҳам беришдир. Болалардаги неврозларни даволашда седатив воситалар ва транквилизаторлар қўлланилади.

Биринчисига валерианка, мелисса асосида тайёрланган фитопрепаратлар: Дормиплант, Гелариум гиперикум ва бошқалар киреди. Транквилизаторлар (анксиолитиклар) гуруҳига хавотирни, эмоционал зўриқишни, қурқувни камайтирадиган психофармакологик воситалар киреди. Бундан ташқари транквилизаторлар гипнотик, титроққа қарши ва миорелакцияловчи таъсирларига эга. Болалардаги неврозларни даволашда бензодиазепинли транквилизаторлар қаторига мансуб бўлмаган дори воситалари (Фенибут, Тенотен, Атаракс) ишлатган маъқул, сабаби уларнинг ножўя таъсирлари кам. Бу дори воситаларининг бири – бу Адаптол. Адаптол метаболик таъсир кўрсатади, ноотроп самарага эга, ўзгарган метаболик жараёнларни меъёрлаштиради, шунингдек, нейромедитор тизим функциясига таъсир қилиши мумкин [33].

Патогенетик ва шахсга қаратилган (реконструктив) психотерапия неврозларда иккита асосий шаклда амалга оширилиши мумкин: индивидуал ва гуруҳли. Уларнинг ҳар бири ўзига хос специфик психотерапевтик потенциалига эга.

Даволаш тиббий психолог, нейропсихолог ва невропатологлар томонидан олиб борилади. Асаб бузилиши билан боғлиқ бу касаллик тиббий-психологик муолажалардан сўнг самарали даволанади. Даволаш муддати ва натижаси кўпроқ унинг тўғри олиб борилишига боғлиқ. Даставвал неврозга олиб келувчи сабаблар аниқланади ва илҳами борича бартараф этилади. Асосий сабаблар бартараф қилинганда, аксарият беморларда даволашни давом эттиришга ҳожат ҳам қолмайди, улар тузалиб кетишади. Лекин баъзи ҳолларда неврознинг сабабини аниқлаш ва уларни йўқотиш анча мушкул.

Беморнинг оилавий аҳволи ва ишлаш шароити билан танишиб, унга дам олиб ишлаш, иш соатларини қисқартириш, овқатланиш тартибига риоя қилиш, театр ва киноларга бориб туриш тавсия қилинади. Неврозни даволаш учун жуда кўп дори воситалари мавжуд. Бироқ уларни кўп қўллаш керак эмас. Шифокор томонидан энг зарур дори воситалари танлаб олинади ва беморга тавсия этилади. Беморларни даволашда ишлатиладиган аксарият дори воситалари кучли седатив таъсирга эга бўлганлиги учун уларни ишлаб юрган беморларга тавсия қилиб бўлмайди. Кам миқдорда тавсия қилинса, натижаси паст бўлади. Бундай пайтларда ножўя таъсири кам бўлган дори воситаларидан фойдаланилади. Худди психосоматик синдромларни даволашда ишлатиладиган психотропик усуллар невроз белгиларини бартараф этишда кенг қўлланилади. Шунингдек, умумий массаж, игна билан даволаш, эрталабки бадантарбия ва спортнинг ўзига маъқул турлари билан шуғулланиш тавсия қилинади. Йилда бир марта сиҳатгоҳларда дам олиб туриш ҳам ўта фойдалидир [15, 18, 24].

Невроз касаллигида фойдаланилган дори воситаларининг фармакокинетик таҳлили.

Фармакокинетик тадқиқотлар усуллари ҳар бир тадқиқотда ўзига хос бўлади [35]. Жумладан, неврозга даволашда беморнинг умумий аҳволини яхшиловчи дори воситалари, темир дори воситалари, глицерофосфат, витамин Б гуруҳи, тоза ҳавода сайр қилиш, илик сув муолажалари қабул қилиш, физиотерапия муолажаларини ҳамда шифобахш бадантарбия билан

шуғулланиш тавсия этилади. Уйқучанлик ва тез чарчаш бўлганда хитой лимони, женшен, пантокрин 30 томчидан 3 маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин ёки 4 соатдан кейин, бир ой давомида ичилади. Қўзғалувчанлик, тез жаҳли чиқиш, асабийлашишда аминазин 0,025 г ёки пропазин 0,025 г, 1 таблеткадан 3 маҳал ичишга буюрилади. Вегетатив бузилишларда триоксазин 0,3 г, элениум 0,01 г дан 2–3 маҳал 3–4 ҳафта ичишга буюрилади. Тинчлантирувчи дори воситаларидан валериан 10,0 : 200,0 + натрий бром 6,0 1 қошиқдан 3 маҳал ичишга берилди. Жинсий заифликда секуринин 0,2 % ,1,0 мл тери остига 1 ой давомида берилди [23, 34].

Ваҳималар исканжасида қолса ва уйқуси бузилиб турса, дастлаб анти- депресантлар ва транквилизаторлар буюрилади. Галоперидол, аминазин билан бирга реланиум, тазепам, седуксен қўлланилади. Бундан ташқари, беморларни қувватга киргизувчи дори воситалари билан бирга уларнинг дам олишини яхшилаш ҳамда руҳий жароҳатларни келтириб чиқарувчи сабаблардан узоқроқ ва алоҳида қилиб қўйиш тавсия этилади. Шу билан бирга овқатланиш ва ухлаш режимига амал қилиш шарт.

Транквилизатордан диазепам, сибазон ёки реланиум, элениум тазепам, нитразепам, феназепам; нейрорептиклар соннапакс, амитриптилин, френалон тавсия этилади. Беморнинг умумий аҳволини яхшиловчи дори воситалари, қувватга киргизувчи дори воситаларидан витаминлар В 1, В 6, В 12, фитин, магне – В 6, калций глюконат, АТФ, кокарбоксилаза, никотин кислота ва бошқалар. Тинчлантирувчи дори воситалари натрий бром 1–3 % бир ош қошиқдан 3 маҳал, валериан 1 та таблетка дан 3 маҳал, глицин 1 та таблеткадан тил остига 2–3 маҳал, новопазит 1 ошқандан 3 маҳал ичишга буюрилади. Стимуляторлардан алое, Фибс, элеутерококк, женшен, пантокрин тавсия этилади [30].

Вегетатив ўзгаришларда пирроксан, беллоид, беллатаминал, бетасерк, белласпон ва бошқалар; аминокислоталардан ноотропил, пирацетам, церебролизин, аминалон, глутамин кислота ва бошқалар; физиотерапия усуллари электрофорез 3 % натрий бром билан энса соҳасига, электр уйқу, игнарефлексотерапия, тинчлантирувчи уқалаш, парафин, озокерит қўлланилади. Психотерапия, гипноз ва аутоген машқлар тавсия этилади [22, 26].

Фобик ва обсессив симптомларда – диазепам, седуксен 12–20 мг дан кунига, элениум – 20–60 мг, френалон 30–60 мг, оғир ҳолларда диазепам 20–40 мг дан, амитриптилин 30–50 мг дан иккаласи биргаликда қўлланилади. Бундан ташқари, электрофорез кальций, бром ва димедрол билан энса соҳасига қўйилади. Астеник симптомида натрий бром 3 % бир қошиқдан 3 марта ичишга, валериан 1 та таблеткадан 3 марта, элениум 1 та таблеткадан 2 марта, илик ванналарга тушиш тавсия этилади, электрофорез натрий бром ва магний сульфат билан энса соҳасига қўлланилади, электр уйқу 40 дақиқача буюрилади, бундан ташқари, игнарефлексотерапия ҳам кенг қўлланилади. Булар касалликнинг гиперстеник шаклида буюрилади. Женьшень, элеутерококк 20–30 томчидан 3 маҳал ичишга, сиднокарб 10–20 мг дан буюрилади. Бу гипостеник шаклида ишлатилади. Булардан ташқари, астеник симптомда кофеин билан бром дори воситалари

биргалликда буюрилади. Витамин В₆ гуруҳлари, алое, Фибс, АТФ, аминалон ишлатилади. Астеник симптомнинг оғир турларида инсулин 4–20 г гача тери орасига юборилади. Инсулин олгандан 2 соатдан кейин 40 %, 20,0 мл глюкоза эритмасидан томир ичига юборилади [19, 26].

Ипохондрик симптомида транквилизаторлар, антидепрессантлар организмнинг қувватини оширувчи дори воситалари билан бирга физиотерапия усуллари қўлланилади. Бунда эглонил 200 мг, сиднокарб ва амитриптилин 100 мг гача 3–4 маҳал кунига ичишга буюрилади.

Енгил даражадаги депрессив эпизодга кетган бевосита тиббий харажатларни баҳолашда аниқланганки, тиббий муассасага ташриф буюришнинг нархи 1 101 073 050 рублга тенг бўлган, дори воситаларига кетган бевосита харажат 2 157 896 949 рублни ташкил қилган. Шундай қилиб депрессив эпизоднинг ҳатто енгил даражасини даволаш ҳам етарлича катта молия ресурсларини талаб қилади, бу эса ўз навбатида Россия Федерацияси шароитида депрессиянинг фармакоиктисодий тадқиқотлари ўтказилишини таъза қилади [16, 27, 36].

Неврозлар психоген касалликлардан ҳисобланиб, кучи ва ўткирлиги кам бўлган руҳий жароҳатловчи вазиятнинг узок вақт таъсири натижасида ривожланади. Бу ҳолатда, одадда, оилавий-маиший, ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоасидаги келишмовчиликлар ҳақида гап кетиб, улар ҳатто ҳар доим ҳам бемор томонидан руҳий жароҳатловчи омил сифатида қабул қилинмайди.

Руҳий фаолият бузилишлари чуқурлиги неврозларда нисбатан кам учрайди – бу ерда тафаккур, идрок ва онгнинг чуқур бузилишлари кузатилмайди, атрофдагиларда ўз ҳолатига танқидий муносабат сақланиб қолади. Неврозлар кўпинча можароли вазият орқали соматик касалликлар, қаттиқ толиқиш, бошқа кўшимча зарарли омиллар билан бирга юзага келиб, улар касалликнинг бевосита сабабчиси бўлмаса-да, катта патогенетик аҳамиятга эга [25, 28]. Шунингдек, баъзи туғма хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади ва улар бир қатор шахсларда невротик реакцияларнинг жуда кўп учраши, оғирлиги ва давомийлигини белгилайди. Неврозлар клиникасида, асосан, вегетатив, соматик ва эффектив бузилишлар намоён бўлиб, улар яққол хулқ-атвор бузилишларини келтириб чиқармайди ҳамда даволаш нисбатан осон кечади. Баъзи ҳолатларда, руҳий жароҳатловчи вазият йиллаб давом этганда, невроз шахснинг невротик ривожланишига ўтишимумкин [14, 37].

Неврозлар неврастения (ҳолдан тойиш ва ўта чарчаш натижасида нерв тизимининг функционал бузилиши, неврознинг бир тури), истерия (нерв тизимининг функционал характердаги нерв касаллиги, руҳий бузилишнинг шаклларида бири) ва ёпишқоқ ҳолатлар неврозига ажратилади. Неврастения кўпинча тез толиқувчанликка мойил, кайфияти турғун бўлган шахсларда ривожланади. Бу хусусиятлар бундай шахсларда оддий ҳолатларда ҳам кузатилади. Руҳий жароҳатловчи вазият таъсирида уларда астеник (мадорсизлик, умумий ҳолсизлик) синдром шаклидаги невротик реакция юзага келади. Иш қобилияти ҳамда иштаҳа пасайиши, бош оғриғи, уйқусизлик ва ҳолсизлик, уйқучанлик кузатилади. Беморларда диққат концентрацияси бузилади. Улар тез хафа бўлувчан,

сабрсиз бўлиб қоладилар. Турли вегетатив, жумладан, артериал босим ўзгарувчанлиги, тахикардия, кўп терлаш, тремор, кўпинча жинсий фаолиятнинг бузилиши кузатилади. Тез толиқувчанлик сабабли кўзғалиш бўсағаси юқори кўтарилади. Беморлар кўзғалувчан бўлиб борадилар (кўзғалувчан ҳолсизлик), осон кўзғалувчан, кайфиятлари тез-тез бузилишига мойил бўладилар. Бу ҳолатда неврастениянинг гиперстеник шакли ҳақида гап кетади. Агар касаллик клиникасида олдинги ўринга тез толиқувчанлик, апатия, бўшашганлик чиқиб қолса – бу гипостеник шакли дейилади [17, 29].

Истерия кўпинча руҳий жароҳатловчи вазиятга реакция сифатида истерик психопатик феъл-атвор белгилари бўлган шахсларда ҳам ривожланади, аммо касаллик хусусиятлари бўлмаган шахсларда ҳам у ривожланиши мумкин. Неврознинг бу тури кўпинча аёлларда учрайди. Истерия келиб чиқишига эга бўлган бузилишлар – оғриқлар, фалажлик, қусиш ҳолатлари, спазмлар, кўрлик, карлик, тутқаноқ ва бошқалар ташқи кўриниши билан бошқа соматик ва руҳий касалликларнинг симптомларидан кам фарқланиши мумкин. Аммо беморларни батафсил текшириш вақтида, уларда ҳеч қандай органик бузилишлар аниқланмайди. Баъзида руҳий жароҳатловчи вазият мазмунининг у ёки бу истерик белгилар билан боғлиқлигини кўриш мумкин, айниқса касаллик симптоми, бемор кечинмалари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлганда кузатилади. Локал бузилишларга боғлиқ бўлмаган ҳолда истерияли барча беморлар феъл-атворида кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, эффектларга мойиллик, намоийшкорлик хос. Улар ҳар қандай воситалар: ташқи кўринишлари, сўзлашишда ўзини туттишлари, нигоҳлари, одаглари билан ўзини атрофдагилар диққат марказига қўйишга интиладилар. Шунингдек, уларнинг ўзларини юқори баҳолашлари, бошқаларга ўхшамасликларини кўз-кўз қилиш худбинлигидан далолат беради. Шу билан бирга беморлар ўта ишонувчан, тақлид қилишга мойилдилар [5, 19].

Кўпинча истерияда тутқаноқ хуружлари кузатилади ва улар эпилептик тутқаноқларни эслатади. Аммо бу касалликнинг бошқа белгилари каби, эпилептик тутқаноқлардан фарқланиб, можароли вазиятда ёки беморга уни эслатилганда юзага келади. Беморлар ўз хатти-ҳаракатларини маълум даражада идора этиш қобилиятларини сақлаб қоладилар [28].

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда неврозлар муаммоси, уларни даволаш услублари ҳақидаги маълумотлар ўз долзарблигини йўқотмаган. Бундан ташқари, адабиётлар таҳлил қилинганда биз аниқладикки, неврозлар муаммосига тегишли фармакоиктисодий изланишлар жуда кам амалга оширилган. Шу муносабат билан бизлар томонидан турли неврозларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасига бағишланган илмий тадқиқотларимиз ҳозирги кун талабаларига жавоб берадиган ҳолда амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилади.

Хулоса

1. Фармакоиктисодий тадқиқотлар ва невроз касаллигига оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида дори воситаларининг истеъмоли назарий ҳамда услубий жиҳатлари таҳлил қилинди.

